60 зарбдор ҲАФТА

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА КЕНГ ҚУЛОЧ ЁЙСИН

Бугун Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишланган тўртинчи зарбдор ҳафта бошланди

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 230 (3125)
ДУШАНБА
4 ОКТЯБРЬ 1976 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КЕЛГУСИ ЙИЛ ҲИСОБИГА

Тўқимачилик-галантерея фабрикаси коллективи меҳнат суръатини кун сайин оширмоқда. Бунинг кўпидаги рақамлардан ҳам билса бўлади. Меҳнат беллашувларини намунали ташкил этиш, илғор техника ва технологиядан самарали фойдаланиш туфайли ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 15,6, меҳнат унумдорлиги 10, маҳсулот реализация қилиш эса 30 процентга ошди.

Муваффақиятни таъминлашга илғор ишчилар салмоқли ҳисса қўшишмоқда. Пелагея Турганинова, Тўхтамурод Маннопов, Санобар Ҳайдарова, Матлуба Мажидовалар айниқса ибратли иш қилишяпти. Беш йиллик топшириғини икки ярим йилда бажариш мажбуриятини олган бу илғор ишчилар

Бугун

келгуси йилнинг август ойи ҳисобига маҳсулот тайёрлай бошладилар. Диққатга сазоворн шундаки, уларнинг ҳар бири икки ўсмирга мураббийлик қилмоқда.

КИЧКИНТОЙЛАРГА СОВҒА

В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг халқ истеъмоли моллари цехи ғўдаклар араваси ишлаб чиқара бошлади. Кўркам ва қулай аравачалар ғўдакларга ҳам, уларнинг ота-оналарига ҳам маъқул бўлди. Бу аравачалар енгил ва ихчам, бунинг устига уни буклаб сақлаш ҳам мумкин. Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси республикада шундай маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган бирдан-бир корхонадир.

ЙИЛЛИК ПЛАННИ БАЖАРГАНЛАР

Коммунист Любовь Михеева газ аппаратуралари заводининг 3-цехида токарь бўлиб ишлайди. У йиллик планни тўққиз ойда бажарди. Илғор ишчи ўнинчи беш йиллик топшириғини 3,5 йилда бажаришга қарор қилган.

Фарид Тинчеров 38 йилдан бери ҳайдовчи бўлиб ишлайди. Маршрут таксилар паркида уни ишлаб чиқариш илғори сифатида ғоят ҳурмат қилишади. Меҳнатсевар ҳайдовчи коллективда биринчилардан бўлиб беш йиллиннинг биринчи йили топшириғини муддатидан илгари бажаришга муваффақ бўлди.

Ю. Трубников фотоси.

• Қурилиш майдонларида

ИККИ ИНСТИТУТ БИНОСИ

Шаҳримизнинг Энгельс кўчасида яна иккита кўп қаватли муҳташам бино қад кўтармоқда. Ҳар бири тўққиз қаватдан иборат бўлган бу биноларда алоқа, лойиҳа ва «Узгипротехбит» институтлари жойлашади.

Бу ерда меҳнат қилаётган 11-«Висотстрой» трестининг 69-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари иш суръатини жадаллаштирмоқдалар. Айниқса, Н. Врублев ва П. Данилов бошлиқ комплекслашган бригада аъзоларининг ҳар бири кунлик нормаларни 125—130 процент адо этиб, зиммаларига олган социалистик мажбуриятни муддатидан илгари бажаришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Жумладан, пайвандчи В. Цой, дурадгор А. Амирова, бетончи Р. Бибарсов ва бошқалар меҳнатда ўрнак кўрсатмоқдалар.

Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига — 60 зарбдор ҳафта ташаббусига қўшилган қурувчилар барча имкониятларни ишга солиб, бу муҳташам биноларни муддатидан илгари фойдаланишга топширишга ҳаракат қилмоқдалар.

М. ФЕЛЬДМАН.

• Тошкент—мамлакатга

30 ХИЛ МАҲСУЛОТ

Мамлакатимиздаги кўпгина пойафзал ва чарм-галантерея корхоналари маъмуриятлари шаҳримиздаги экспериментал металл-фурнитура заводига тез-тез мурожаат этиб туришади. Чунки пойтахтимиз корхонасида ишланган фурнитуралар уларга жуда ҳам қўл келади.

Бугун

корхона коллективи Одесса, Львов, Фрунзе, Олмаота, Киев ҳамда РСФСРдаги бир қатор шаҳарларга маҳсулотларининг катта туркумини юборди.

Яқинда корхонанинг яна 4 та янги маҳсулотига Давлат Сифат белгиси берилди. Ҳозирда ишлаб чиқарилаётган 30 хил маҳсулот ўзининг кўркамлиги билан ҳаридорларга манзур бўлмоқда.

Шу кунларда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мақсадида бу ерда янги корпус қурилиши тезкорлик билан олиб борилянти. Янги уч қаватли бинонинг биринчи қавати тикланди. Унда механика ва асбобсозлик цехлари жойлашади.

• Беш йиллик вахтасида

ТАШАББУС ҚАНОТИ

Ленинградлик ларнинг ватанпарварлик ташаббуси Тошкент тўқимачилик комбинатининг комсомол-ёшларини ҳам янги зафарлар сари илҳомлантириб юборди.

Пардозлаш фабрикасига қарашли пардозлаш цехининг комсомол-ёшлари айни кунларда ана шу отаянн шиор асосида тер тўкишмоқда. Коллективимизнинг аҳиллик билан иш юритганлиги туфайли белгиланган план-топшириқлар 116—119 процентга етказиб адо этиляпти.

Бригадамизнинг комсомол-ёшлари «Маҳсулотнинг ҳаммасини биринчи сортга топширамиз» шиорини ўзларига дастур қилиб олишган. Ю. Вялова, О. Шапожникова, Л. Свигкоренко каби тажрибали устозлар кўмагида кундан кунга кўпроқ сифатли маҳсулот ишлаб чиқармоқдамиз.

Л. АГЕЕВА,
Пардозлаш цехининг комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи.

Сиз суратда беш йиллик план топшириқларини 3,5 йилда бажаришга аҳд қилган Тошкент экскаватор ремонти заводи 1-йигув механика цехининг зарбдор электр пайвандчиси Борис Кравченнони кўриб турибсиз. Бу ишлаб чиқариш илғори ўзининг самарали меҳнати билан кўпларга ўрнак бўлмоқда.

М. Нуриддинов фотолари.

ИЗДОШЛАР

Репортаж

Назорат-саралаш цехи Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент тўқимачилик комбинати пардозлаш фабрикасининг асосий ишлаб чиқариш участкаси ҳисобланади. Бу ерда тўқув ва йигирув фабрикаларидаги ишлаб чиқариш жараёнларида тайёр ҳолга келтирилган газламалар сараланади, сифати назорат қилинади, сўнг истеъмолчиларга жўнатилади.

Цех ишчиларининг қилаётган ишларини кузатдик. Ҳамманинг нигоҳи саралаш машиналаридан бир текисда товланиб чиқаётган сержило газламаларга қадалган. Сараловчи қизларнинг чаққонлиги, синчковлиги кишини ҳайратлантиради. Цех бошлиғи С. Содиқов ишчиларнинг меҳнати ҳақида завқланиб гапириб берди.

— Съездлар йилида ташаббуслар кетидан ташаббуслар туғилаётганлиги бизнинг ҳам ғайратимизни оширди. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети корхонамизнинг учинчи йигирув фабрикасидаги Люба Хегай бошлиқ комсомол-ёшлар бригадасининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги кунида 2,5 йиллик планни бажариш ҳақидаги ташаббусини маъқуллаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Ана шу ташаббусга биринчилар қаторида қўшилиб, шунга яраша меҳнат қилаётганларнинг бири бизнинг цехимиз комсомол-ёшларидир. Васила Назарова, Оля Пичугина, Валентина Харибина, Надежда Шашиналар фидокорлик билан ишлаб, смена топшириқларини 120—125 процентга етказиб бажаришаётир. Бошқача қилиб айтганда, уларнинг ҳар бири 7500 ўрнига 8000—8800 метр газлама саралаяпти.

Назорат-саралаш цехи ишчилари ҳар қандай ташаббуснинг биринчи издошлари бўлиб чиқишади. Яқинда ленинградлик ёшлар Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига —60 зарбдор ҳафта эълон қилишди. Бу ташаббус ҳам мазкур цехда тезда издошларини топди. Цехнинг илғор ишчиси, ёш коммунист Маҳбуба Абдуллаева биринчи бўлиб зарбдор ҳафта эълон қилиб ишлай бошлади. Зиммасидаги мажбуриятдаги 8800 метр ўрнига 10800 метрдан газлама саралашга аҳд қилди. Сўзи билан иши бир қиз айни кунларда ҳафталик топшириқдан ташқари 2000—3000 метрдан зиёд маҳсулот саралашга эришмоқда. Сараланган газламаларнинг ҳаммаси юқори сортларга қабул қилиняпти. Цехда Маҳбубанинг издошлари кун сайин кўпайиб бормоқда.

Саралаш машиналаридан бирининг ёнидамиз. Ўрта бўй, қорачадан келган, узун, қоп-қора сочларини бошига турмаклаб олган Ҳабиба Қосимова чаққонлик билан ишлаяпти. Бир қарашда мана шу ёш, нозиккина қизнинг сершовқин машиналарни бемалол бошқараётганига ишонгингиз келмайди.

— Ўрта мактабни битириб тўғри шу ерга ишга келганман,—деди бизга Ҳабиба.— Аввалига бир оз қийналдим. Лекин коллектив мени ёлғизлатиб қўймади. Ветеран ишчи, ғамхўр онахонимиз Маъмура Каримбоева менга устозлик қилдилар. У кишидан кўп нарса ўргандим. Мана энди мустақил ишлаяпман. Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги кунига 2,5 йиллик планни бажариш ниятим бор.

Шу кунларда цех меҳнат аҳли зиммадаги юксак мажбуриятларини ошириб адо этиш учун курашни қизитиб юборди. Фабрикадаги социалистик мусобақада пешқадамлик қилиб келаётган цехдан қайтар эканмиз, машиналардан ранг-баранг жилоланиб тушаётган газламаларга завқланиб боқдик. Бу ерда чинакам баҳор нафаси уфуриб турганлигини ҳис этдик.

Н. АЛИЕВ.

МИЛЛИОН СЎМ ТЕЖАЛДИ

«Таштекстильмаш» заводи новаторлари йил бошидан бери бир миллион сўмдан ортиқ маблағ тежадилар. Бу билан корхона коллективи беш йилликнинг биринчи йили учун олган социалистик мажбуриятларининг асосий мондаларидан бирини муддатидан илгари бажарди. Бош конструкторлик бўлими, кўйиш ва бошқа цехларнинг рационализациятлари бу муваффақиятга катта ҳисса қўшдилар.

ЗАФАРЛАРДАН РУҲЛАНИБ

Куни кеча Ўзбекистон Карлар жамиятига қарашли биринчи ўқув-ишлаб чиқариш корхонасига Челябинск шаҳридан хушхабар келди.

Бу ерда барча қардош республикаларнинг Карлар жамиятига қарашли ишлаб чиқариш корхоналари тикувчилари ўртасида ўтказилган «1976 йилнинг энг яхши тикувчиси» ва маҳсулотга «Сифат белгиси» конкурсида мазкур корхонанинг ишчилари Роза Иброҳимова ва Роза Куприевалар фахрли ўринларни олишга муваффақ бўлдилар.

Ҳозирги кунда бу икки чевар қиз 1977 йилнинг апрель ойи ҳисобига меҳнат қилишмоқда. Ҳамкасбларининг бу зафаридан руҳланган корхона чеварлари янги меҳнат зафарлари томон бел боғладилар.

Ана шу муносабат билан ўтказилган митингда корхона коллективи Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги шарафига ўз зиммасига оширилган социалистик мажбуриятни қабул қилди. Улар бу мажбуриятни 1977 йилнинг сентябрь ойига қадар бажаришга аҳд қилишган.

МАДАНИЯТИМИЗ НАМОЙИШИ

Латвия республикасининг пойтахти Рига Совет Ўзбекистони китоблари кўргазмаси намойиш этилабошланди.

Унда асосан «Ўзбекистон», Ғафур Ғулом номли, «Ўқитувчи», «Ёш гвардия», «Фан», «Медицина» нашриётларида кейнги йилларда чиқарилган энг яхши китоблар қўйилган.

Маданиятимиз ютуқлари намойиши тадбирларида Тошкент нашриётларининг вакиллари, матбаачилар ҳам қатнашмоқдалар. Ана шундай дўстона тадбир шу йил Украинанинг пойтахти Киевда ҳам ўтказилган эди.

Яқин вақтлар ичида қардошларимизнинг ана шундай китоб кўргазмалари Тошкентда намойиш қилинади.

ФИЗИКЛАР АНЖУМАНИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Электроника институтини юқори кучланишли электроника лабораторияси мудири, техника фанлари кандидати Н. А. Ҳамидов Дубна шаҳрига жўнаб кетди.

Ўзбек олими бу ерда СССР Фанлар академиясининг атом энергиясидан фойдаланиш Давлат комитети ва ядро текширишлари бирлашган институти томонидан уюштириладиган зарядланган заррачаларнинг тезлатгичларига бағишланган V Бутуниттифоқ анжуманида иштирок этади.

Пахтамиз 3.000.000 тоннадан ошди

ҚАҲРАМОН КОСМОНАВТЛАРГА ВАТАН МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний 1 октябрь куни Кремлда совет космонавтларига Ватаннинг юксак мукофотларини топширди. «Салют-5» орбитал илмий станциясида ва «Союз-21» транспорт кемасида узоқ давом этган парвозни муваффақиятли амалга оширганликлари ҳамда парвоз вақтида мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатганликлари учун икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССРнинг космонавт-учувчиси Б. В. Волиновга Ленин ордени ва иккинчи «Олтин Юлдуз» медали, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССРнинг космонавт-учувчиси В. М. Жолобовга Ленин ордени, СССР Олий Совети Президиумининг Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони бериш тўғрисидаги ёрлиғи, «Олтин Юлдуз» медали, кўкракка тақиладиган «СССР космонавт-учувчиси» нишони топширилди.

Икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССРнинг космонавт-учувчиси В. Ф. Биковскийга Ленин ордени ва иккинчи «Олтин Юлдуз» медали топширилди. Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССРнинг космонавт-учувчиси В. В. Аксенов Ленин ордени, СССР Олий Совети Президиумининг Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони бериш тўғрисидаги ёрлиғини, «Олтин Юлдуз» медалини, кўкракка тақиладиган «СССР космонавт-учувчиси» нишонини олди. Улар «Союз-22» космик кемасидаги орбитал парвозни муваффақиятли амалга оширганликлари ҳамда парвоз вақтида мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатганликлари учун мукофотланган эдилар.

Н. В. Подгорний космонавт-учувчиларни Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совет Президиуми ва Совет ҳукумати номидан юксак мукофотлар билан самимий ва сидқидилдан қутлади.

Мукофотланганлар ўз меҳнатларига юксак баҳо берилганлиги учун Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига, СССР Олий Совети Президиумига, Совет ҳукуматига самимий миннатдорчилик изҳор этдилар ва Ватаннинг ҳар қандай топшириғини бажаришга тайёрмиз, деб ишонтирдилар.

(ТАСС).

ЁШ ҚАЛБЛАР НИДОСИ

Осиё ва Африка мамлакатлари ёш адиблари Тошкент учрашувининг қатнашчилари Узбекистон бўлиб қилинган сафардан қайтиб келиб, кеча эрталаб ялпи мажлис бошладилар.

— Узбекистон пойтахтида ўтаётган анжуманимиз бамисоли қалбларимизни боғловчи кўприкдир. Бу кўприк ўқувчиларимиз қалбига янги-янги сўқмоқлар очишимизга, халқнинг эҳтиёжи ва орзу-умидларини яхширок ҳис этишимизга ёрдам беради, — дейди афғон ҳикоянависи Муҳаммад Акрам Осмон. — Халқ санъаткорни вояга етказади. Санъаткор меҳнатининг маҳсули халқниқидир. Энг муҳим бурчимиз — халқ орзу-умидларининг ифодачиси бўлишдан иборат. Агар биз биргаликда бўлиб, ўз қаламимиз билан яхши ниятли кишиларга хизмат қилсак, бутун дунёда тинчлик гимни яратиладиган кунга етиб келамиз, деб ишонаман.

Кеча кундузи Ленин номли Тошкент Давлат университетида Хельсинкида бўлиб ўтган кенгашнинг бир йиллигига бағишланган митинг бўлиб ўтди. Митингни университет ректори Т. А. Саримсоков очди.

Митингда сўзга чиққан машҳур итальян шоири ва жамоат арбоби Эдоардо Сангинетти, Мали шоири Гауссу Диавара, туркман шоири Аннаберди Оғабоев, Маврикий шоири Пахлад Рамсаран, Тошкент Давлат университетининг студенти Нодира Қаюмова ва бошқа нотиклар тинчлик, тараққиёт, дўстлик ҳақида ҳаяжонланиб сўзладилар.

Кечкурун «Юбилей» спорт залида интернационал шеърият байрами бўлиб ўтди.

Халқаро мавзуда суҳбат

Африкадаги мустақил мамлакатларнинг жавоби

АҚШ давлат секретари Г. Киссинжер ўн кун мобайнида «бўзчининг мокисидек елиб-югуриб» Жанубий Африка бўйлаб сафар қилди. Гоҳо Жанубий Африка Республикаси ва Родезиядаги ирқчи режимларнинг бошлиқлари билан, гоҳо Африкадаги мустақил баъзи давлатларнинг раҳбарлари билан учрашди. Америка дипломатияси раҳбарларининг зўр бериб қилган ҳаракатлари натижасида Родезия проблемасини «ҳал этиш» плани пайдо бўлди. Ғарб пропагандаси бу планни «Родезияда ҳокимиятни кўпчиликни ташкил этган африкаликлар қўлига аста-секин топириш» плани деб мақтади.

АҚШ давлат секретарини Африкага бориб, бу қитъага доир проблемаларни ҳал этиш йўлларини шошилинч суратда қидириб топишга нима мажбур этди? Бу саволга бериладиган жавоб аниқ-равшандир: Жанубий Африка халқлари озодлик курашининг қудратли ривожидан саросима бўлиб қолган АҚШ ва Ғарбдаги бошқа давлатлар жаҳоннинг ана шу районида империализмнинг таянчи бўлмиш янги мустамлакачилик режимларини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун фурсатдан ютиш мақсадида шошилинч тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Америка — Англиянинг Родезия проблемасини «комплекс ҳал этиш» плани ҳам худди шу мақсадни кўзда тутади. Бу план ирқчи бошчилигида «давлат кенгаши»ни ва «муваққат ҳукумат»ни вужудга келтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Бу «муваққат ҳукумат»даги асосий лавозимлар озликни ташкил этган оқ танлилар вакиллари қўлида бўлади. Бу ҳукуматни ниқоблаш учун эса қўғирчоқлардан иборат бир неча африкаликни ҳукумат составига ўтказиш таклиф этилади. Конунга хилоф режимга қарши қуролли курашни тўхтатиш—Родезиядаги режим бошлиғи Смит томонидан маъқулланган планнинг асосий шартидир. Жанубий Африка халқлари қатъий кураш олиб бормаган тақдирда ирқчилар ва уларнинг империалист ҳомийлари ҳокимиятни ўз ихтиёри билан африкаликлар қўлига бермаслиги тамомила аёндир.

Африкадаги беш мустақил давлат — Танзания, Мозамбик, Анголa, Ботсвана ва Замбия раҳбарлари Зимбабве (Родезия) халқ озодлик ҳаракати вакиллари билан биргаликда Америка —Англия планини қораладилар ва Смит бошлиқ ирқчилар режимига қарши миллий озодлик курашини янада кучайтириш ҳақидаги масалани ўртага қўйдилар. Улар Лусакада эълон қилинган қўшма ахборотда бу планнинг қабул қилиниши «Смит бошлиқ қонунга хилоф ирқчи —мустамлакачилар режимининг ошкора ишлашига йўл қўйиш» бўлур эди, деб дангал айтадилар. Беш мамлакатнинг бошлиқлари ўз таклифларини бу планга қарши илгари сурдилар. Бу таклифларнинг моҳияти шундан иборатки, бўлажак ҳукумат ва конституция тўғрисидаги масалани ирқчилар ва уларнинг ҳомийлари эмас, балки Зимбабве озодлиги учун курашувчиларнинг ўзлари ҳал этишлари лозим.

Вашингтон мададидан руҳланиб кетган Жанубий Африка Республикасининг ҳукмдорлари ҳозирги пайтда ирқий камситиш ва апартеид системаси каби манфур системанинг тугатилишини талаб этаётган африкаликлар ҳаракатини шафқатсиз репрессиялар ёрдамида конга ботиришга уринмоқдалар.

Аммо қонли репрессиялар ҳам, сиёсий ҳийла ва найрангларнинг ҳам ҳалокатга маҳкум этилган режимларни қутқазиб қолаолмайди. Бундай режимлар муқаррар барбод бўлади. Совет Иттифоқига келганда шуни айтиш керакки, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Нью-Йоркда очилган XXXI сессиясида таъкидлаб ўтганидек: Совет Иттифоқи «ҳар қачонгидек ҳозирги кунда ҳам Африка жанубидаги курашаётган халқларни қатъий қўллаб-қувватламоқда. Биз Жанубий Африка Республикасида апартеид ва ирқчилик сиёсатининг сўзсиз тўхатилишини, Жанубий Африка Республикасининг Намибиядан дарҳол чиқиб кетишини, бутун ҳокимиятни Зимбабве халқига сўзсиз топиришни талаб қиламиз».

В. СЕРОВ.
(ТАСС).

60 ТАРИХИМИЗНИНГ ЗАРВАРАҒИ

Хўжаликни тиклаш учун кураш

Туркистоннинг марказий Россия билан узил-кесил қўшилиши билан республика партия ва совет органлари Россия большевикларининг Совет ҳокимияти иқтисодий сиёсатини юритиш юзасидан тўплаган тажрибасидан кенг фойдаланиш имконига эга бўлдилар. Уни амалга оширишга меҳнаткашларнинг кенг оммаси жалб этилди.

Жумладан, 1920 йил июлда касаба союзлар кучи билан ҳарбий озиқ-овқат отрядлари ва «Мусулмон инспекцияси» отрядлари тузилди. Уларда саккиз ярим минг туб миллат ишчи ва хизматчилари қатнашди. Отрядлар аҳолининг бой табақалари яширган озиқ-овқат жамғармаларини очиб ташлаб, меҳнаткашларнинг моддий аҳволини, ўлканинг иқтисодий аҳволини яхшилашга ёрдам берди.

1920 йил республика ҳаётида муҳим воқеа сифатида нишонланди. Январда Туркистон комсомолларининг I съезди бўлди. Ёшлар бу мураккаб даврда каттталар билан бир сафда фронтларда жанг қилишди. Очлик ва вайронагарчиликка қарши курашга қўшилиб, завод ва фабрикаларда зарбдорларча меҳнат қилдилар.

«Қизил ёшлар ҳафталиги» янги ҳаёт ёш бунёдкорларининг ташаббуси ва фидокорлигининг ёрқин намунаси бўлди.

«Қурол билан жанг қилиш даври ўтди, энди хўжалик вайронагарчилигига қарши кураш олиб бориш пайти келди. Ёш ишчилар, барчангиз бир кишидек Бутунроссия шанбалигига! Фақат ишчи синфининг рақибигина шу куни биз билан ишламайди» — РКП(б) IX съездининг Бутунроссия Биринчи Май шанбалигига тайёргарлик кўриш муносабати билан муҳокамага тўпланган Тошкент комсомолларининг йиғилиши резолюциясида шундай дейилган эди.

Партия чақириғидан руҳланган шаҳар меҳнаткашлари «Транспорт ҳафталиги» номи остида меҳнат вахтаси ўтказишди. Маҳаллий матбуот ҳафталикнинг боришини кенг ёритди. Шанбалик ва якшанбаликларнинг давоми сифатида бу ҳафталикларда кенг омма ўзининг бепул, онгли ва ишдан ташқари меҳнати билан транспорт қолоқлигига қарши курашга катта ҳисса қўшдилар.

«Транспорт ҳафталиги» мобайнида шанбаликларда 12.5 минг дан зиёд киши иштирок этди. Айниқса, марказий завод (ҳозирги Октябрь революцияси номли завод) ишчилари салмоқли ҳисса қўшдилар.

Шу давр мобайнида партия миллий сиёсатга ҳам эътиборни кучайтирди. Бу масалани ҳал этишга доир хато қарашларга барҳам берилди. Большевиклар омма ўртасида катта тарбиявий иш олиб бориб, маҳаллий аҳолини янги ҳаёт қурилишига кенг жалб этди, миллий кадрларни тарбиялади, профессионал ва умумтаълим ўқувини ташкил этди. Бу ҳақда 1920 йил 12—18 сентябрда бўлиб ўтган, Туркистон Компартиясининг V съездида гап борди. У коммунистлар эътиборини партия сафларидаги миллий оғиш билан курашиш заруриятига қаратди ва деҳқонларни бой ва муллалар таъсиридан озод қилиш тадбирларини белгилади. Туркистон республикаси Советларининг IX съездида эса (унинг делегатлари орасида 4 аёл борлиги характерли эди) Туркистон Марказий Ижроия Комитети янги составига сайловлар бўлди. Бу составнинг учдан икки қисми туб миллат вакилларидан иборат бўлди.

Шу йили саводсизликни тугатишга, янги, социалистик маданият бунёд этишга кўп куч сарф этилди. Бир вақтнинг ўзида ўлкада умумтаълим мактаблари, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари ташкил этилди. Россиядан Туркистонга юзлаб ўқитувчилар, олимлар, келишди. Фақат апрель ойининг ўзида эса Тошкентга 22 вагон кутубхона, лаборатория ускуналари, қўлланмалар ва қоғозлар келтирилди.

Бу соҳада Туркистон давлат университети (ҳозирги В. И. Ленин номли ТошДУ) ташкил этилиши катта воқеа бўлди. У Ленин имзо чеккан, РСФСР Халқ Комиссарлари Совети декрети бўйича ташкил этилди. Биринчи йилиёқ унинг етти факультетида 1 минг 300 дан зиёд ўқувчи таълим олди.

Шу йилиёқ Тошкентда Ўзбек давлат драматик театри очилди. У ўзбек халқи маданиятини юксалтиришда катта роль ўйнади.

Республика ҳаётининг барча соҳаларида Улуғ Октябрь туфайли қўлга киритилган янги тузум куртаклари ўсиб-унди.

ЗАМОНДОШ НИГОҲИ БИЛАН

Янги ҳаёт сари

К. М. РИГИН,
1918 йилдан комсомол аъзоси, ленинча чақириқ коммунисти:

«3-темир йўл район комсомол комитети асосан бизнинг заводимиз, (Марказий, ҳозирги Октябрь революцияси номли тепловоз вагон-ремонти заводи)нинг ёш ишчиларидан ташкил топган эди...

1920 йили мен темир йўл район комсомол комитетининг секретари бўлиб ишладим. Менга заводда комсомол ячейкасини тузиш топширилди. Ячейканинг биринчи йиғилиши ремонт-механика цехи қошидаги марказий омборхона идорасида ўтди...

Завод комсомоллари ўзларининг уюшқоқликлари ва революцион ташаббускорликлари билан ажралиб турардилар. Улар фидокорона меҳнат қилиб, транспортни тиклаш учун курашга бутун кучларини сафарбар этдилар»...

А. ХАТАМОВ,
1918 йилдан КПСС аъзоси, Тошкент партия дружинаси жангчиси, босмачилар билан кураш қатнашчиси:

«Жанговар коммунистик отрядни фронтга жўнатиш ҳақида буйруқ олдик.

Бизни асосий йўналишга, —ўнг темир йўл линиясига қўйишди... Бир неча кун мудофаа чегараси қурилиши билан шуғулландик, кундуз ва кечалари разведкачилар муттасил жойни кузатиб бордилар...

Тун даҳшатли эди.

Командиримиз — коммунист Сотников посбон қўйди ва хандақлар линияси бўйлаб патруллар тайинлади. Посбонликка дўстим Зайниддинни тайинлашди...

Тунги олишувда Зайниддинни ярадор қилишди. Эсимда, уни госпиталга жўнатишаётганда: «Ҳеч қиси йўқ, болалар, тезда тузалиб кетаман, яна сафингларга қайтаман. Оқларни тор-мор қиламизда, кейин уйланаман. Зўр тўй қиламиз. Ҳаммангларни таклиф қиламан» — деди. Унинг Тошкентда севиклиси бор эди. У гоҳида турмушлари қандай бўлиши ҳақида ҳикоя қилиб берарди. Лекин у яхши ҳаётга етмади. Қаттиқ жароҳатланган экан, госпиталга бораётгандаёқ жони узилибди...

Л. Б. БЕНКЕНШТАТ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган инженер:

«Мен Туркистон давлат университетига ўқишга кирганимда 17 ёшда эдим. Хотирамдан биринчи машғулотлар кўтарилиб кетган албатта. Лекин, ўша даврнинг умумий таассуроти сақланиб қолган: ёшлар билимга чанқоқ эди, шанбаликларимиз, дам олиш кечаларимиз қизиқ ўтарди. Ўқишнинг дастлабки ойлариданоқ, биз жамоат ҳаётида актив қатнаша бошладик. Ҳа, қандай қилиб, бир чеккада туриш мумкин эди дейсиз. Ахир кўкрак чўнтагимизда комсомол билети бор эди, ёшликнинг битмас-туганмас ғайрати бор эди.

Ёдимда, Тошкентнинг саноат корхоналари билан илк бор танишдик. Албатта, ҳозиргидақа саноат гигантлари у пайтда йўқ эди. Тошкентнинг ўзи ҳам кичкинагина, гуваладан қилинган уйлар, қинғир-қийшиқ кўчалардан иборат эди. Корхоналар ярим кустар бўлиб, ишчилар сони ҳам кам эди. Биз заводга келиб, саводсиз ишчиларни тўплардик. Дарров «синф доскаси» ҳам тайёрлардик. Уларга йирик қилиб, «А, Б, В...» деб ёзиб қўярдик, сўнгра ишчилар билан биргаликда улардан сўзлар ёзардик. Биз саводсизликни тугатишда ана шундай иштирок этдик. Кейинчалик мени факультет касаба союз комитетининг раиси қилиб сайладилар. Ўшанда мен ишнинг бутун миқёсини ҳис этдим. Фақатгина бизнинг техника факультетимизда ҳар куни турли корхоналарга беш-олти студент борарди. Бирон студентнинг «узрли» сабаб билан боролмай қолган пайтини эслолмайман. Улар ишчилар билан машғулот ўтказишга жон деб боришар эди.

Биз ҳафтада бир неча марта группа-группа бўлиб шаҳар бўйлаб тунги навбатчиликка чиқардик, қалъада навбатчилик қилардик. Навбатчилик тугаши билан эса яна машғулотлар бошланарди. Аудиторияга кўпчилик студентлар бир ҳолатда кийиниб, келишарди. У пайтлар жуда оғир эди. Ҳа, ўқитувчилар ҳам улардан яхши кийинишмасди. Бироқ, лекциялар бошланиши билан, ким ҳам кийимга қарарди дейсиз. Машғулотларни В. И. Ленин юборган вакиллар — Россия олимлари ўтказишарди. Улар механика ва математикадан, махсус фанлардан қизиқарли лекциялар ўқишарди. Ҳар бир лекция биз учун олам-олам янгилик эди...

Лекин биз ёш, соғлом эдик. Ўйнаб-кулишни ҳам хоҳлардик. Кийимларимиз, пойафзалларимиз бир ҳолатдалигига қарамай гармошка садолари остида ўзимизнинг ёшлик кечаларимизда шўх-шўх ўйинга тушардик, пойафзалларимиз гоҳида йиртилиб кетарди.

Мен булар ҳақида ҳозирги ёшларимизга таъна қилиб гапираётганим йўқ. Ҳозирги ёшлар фаровон, аъло ҳаёт кечиришяпти. Бошқача бўлиши мумкин эмасди: совет кишилари чиройли кийинишади, яхши яшашади. Лекин, мен бунда революция комсомоллари — ўзимизнинг ҳиссамизни ҳам кўраман...».

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

Мусобақа ташкилотчилари

ТОШКЕНТДАГИ 10-автомобиль ремонти заводи «Узавторем» бирлашмасига қарашли йирик корхоналардан ҳисобланади. Бу ерда республикамизнинг Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Самарқанд, Жиззах ва пойтахт областининг ҳамда Қозоғистон ССР колхоз ва совхозлари, қурилиш ташкилотларидан келтирилган ҳамма маркадаги яроқсиз юк автомобиллар капитал ремонт қилинади. Халқ хўжалиги юкларини ташишга мослаштирилган янги прицеплар ишлаб чиқарилади. Ана шу транспортлар учун эҳтиёт қисмлар ҳам тсйёрланади.

Ҳа, иш ҳажми катта. Коллектив тўққизинчи беш йиллик планни ҳамма иқтисодий кўрсаткичлар бўйича ошириб бажарган эди. Ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида заводда катта реконструкция ишларини амалга ошириш кўзда тутилган. Темирчилик-пресслаш ва демонтаж цехлари қурилиб ишга туширилиши, завод цехларидаги эскирган, ишлаб чиқариш қуввати паст бўлган ускуналарни энг яхши, серунумлари билан алмаштириш лозим. Заводда «ГКБ-818» маркали прицеплар ишлаб чиқарадиган янги цех ташкил қилинди.

М. Холамейрзин бошлиқ автомобиллар ремонти цехининг коллективи 456 та автобусни капитал ремонтдан чиқариб, топшириқни 108,8 процент бажарди. Ҳамма машиналар сифатли ремонт қилинди. Коммунист Миржалил Мирсодиқов бошчилик қилаётган цех коллективи эса ҳозиргача 559 та янги прицеп ишлаб чиқариб, топшириқни 120,2 процент бажарди. Завод партия бюроси, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва маъмуриятнинг кўчма Қизил Байроғи билан биринчи даражали пул мукофоти шу коллективга берилди.

Корхонада «Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» ташаббусига қўшилиб меҳнат қилаётганлардан — Собир Раҳимов район партия комитетининг аъзоси, автобус цехининг токари Воҳид Абдураҳимов, коммунист Ортиқ Хўжаев, слесарь Рафиқ Сулаймонов ва С. Холтоевлар шу кунларда 1977 йилнинг март-май ойлари ҳисобига ишлашяпти, завод илғорларидан Т. Мустақимов, коммунист Р. Агибоев, А. Епишинин— жами 72 ишчи беш кунлик нормани 4 кунда бажариш ташаббусига қўшилиб меҳнат қилишяпти.

Завод коллективи съезд йилининг 2 кварталида турдош корхоналар ўртасида социалистик мусобақада ғолиб чиқиб, Автомобиль транспорти министрлиги билан автомобиль транспорти ходимлари касаба союз комитетининг кўчма Қизил Байроғини олишга сазовор бўлди.

Завод цехларида Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини икки йиллик планни бажариш билан кутиб олишга аҳдлашганлар сони 545 кишига етди. Завод рационализаторлари техника бўлимининг бошлиғи Н. Неъматов, инженер Ҳ. Аҳроров, слесарь Н. Юлинларнинг рационализаторлик таклифлари ишлаб чиқаришга жорий этилгач, йилига 3371 сўм иқтисодий фойда беради. Ҳозиргача 34 та рационализаторлик таклифи тушган.

Корхона партия ташкилоти ҳисобида 72 коммунист бор. КПСС аъзолигига кандидатлар — 2 киши. Завод комсомол комитетининг тавсияси билан энг яхши, интизомли, меҳнатсевар комсомол-ёшлардан А. Ҳакимов, Ш. Шоимовалар КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилиндилар. Н. Бондаров эса КПСС аъзолигига қабул қилинди.

Шу йилнинг 8 ойида 7 марта партия йиғилиши бўлиб, коллектив шартноманинг бажарилиши юзасидан завод касаба союз комитетининг раиси Б. Катишевнинг, план-социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши ҳақида автомобиллар ремонти цехининг бошлиғи Е. Шелудковнинг, механика цехи ва завод комсомол комитети раҳбарларининг ҳисоботлари муҳокама этилди.

Коллектив «Узавторем» бирлашмасига қарашли 2-автомобиль ремонти заводи, Иваново шаҳридаги авторемонт, Тошкент шаҳар Совети 50 йиллиги номидаги вагон-ремонт заводларининг коллективлари билан анъанавий мусобақа шартномасига имзо чеккан.

Цех партия ташкилотлари, завод партия бюросининг ҳисобот-сайлов йиғилишларида ана шу ютуқлар таъкидланган ҳолда ремонт сифатига тааллуқли масалалар муҳокама қилинди. Негаки двигателлар билан таъминлаб турган «Узавторем» бирлашмасига қарашли 1-заводнинг сифатсиз маҳсулотлари туфайли 1975 йилда корхона бир қанча рекламация олди. Сифатсиз двигателлар ҳамон келиб турибди. Заводда ана шу двигателларни қайтадан ремонт қилиш учун 4 ишчи банд бўлмоқдаки, бу заводни ортиқча чиқимга йўл қўйишга мажбур этмоқда.

Коммунистлар ҳар қандай нуқсонларга узил-кесил хотима беришлари, бунинг учун талабчанликни янада кучайтиришлари керак.

Т. НАЖМИЙ,
«Тошкент оқшоми»нинг жамоатчи мухбири.

Пойтахтимиздаги агрегат заводи 2-цехи ишчилари участка мастери Зоир Тоҳиров номини ҳурмат билан тилга оладилар. Барча куч ва билимини корхона муваффақиятларига сарфлаётган бу мутахассис ана шундай ҳурматга ўз ҳалол меҳнати туфайли эришган.

СУРАТДА: З. Тоҳиров трактор редукторлари учун тайёрланган деталнн кўздан кечирмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

ТЕХНОЛОГИЯ ЎЗГАРДИ

«Миконд» заводининг созловчи слесарларидан Н. Расулов ва П. Илюшин буюмлардан бирини ясаш технологиясига тузатиш киритдилар. Улар иккита операцияни бирлаштиришга муваффақ бўлдилар. Бу нарса меҳнат унумдорлигини 25 процент оширди. Участкада прессловчи машина-ускунани янада рационал равишда жойлаштириш фикрини ҳам шу новаторлар айтганлар.

Шу йил заводда рационализаторлар ва ихтирочиларнинг таклифлари бўйича 150 тадан ошиқ техника янгиликлари жорий этилди. Бир йилга олинган мажбурият бажариб қўйилди. Ижодий изланишларнинг иқтисодий самараси 400 минг сўмга борди. Шулардан иккитаси — нодир метал чиқитларидан фойдаланиш соҳасида айтилган таклифлар ҳар йилиқ 180 минг сўм тежашга имкон беради.

Постандарт машина-ускуна цехи базасида тузилган рационализаторлик таклифларини жорий этиш группаси заводда техника ижодиётини ривожлантирувчи муҳим омил бўлди.

ЯНГИ ЎЙИНЧОҚ

Тошкентдаги пластмасса буюмлар заводи чиқараётган янги маҳсулот — полистиролдан ясалган ўйинчоқлар чиройли, пишиқ ва осонгина ювилади. Ғилдиракли ғозча, матрёшкалар, коптоқ каби ўнлаб номдаги янги буюмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу ўйинчоқлар болаларга маъқул тушди.

УзТАГ.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

КЕЛЬН. Ғарбий Германиянинг Кельн шаҳрида ГФР билан СССР ўртасидаги савдо ва иқтисодий алоқаларни ривожлантириш масалаларига бағишланган симпозиум ўтказилди. Унда СССР Госплани раисининг ўринбосари Н. Н. Иноземцев бошчилигидаги совет делегацияси, СССРнинг ГФРдаги элчиси В. М. Фалин, шунингдек, Ғарбий Германия саноат ва банк доираларининг таниқли вакиллари қатнашдилар.

Совет томони симпозиумга 1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва Совет Иттифоқи ташқи иқтисодий муносабатларининг истиқболлари тўғрисидаги докладларни тақдим этди. Иккала мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш проблемалари хусусида фикрлашув ўтказилди.

Симпозиумни ўтказишдан кузатилган мақсад ГФРнинг савдо-саноат доиралари вакилларини СССРнинг беш йиллик халқ хўжалик плани билан таништиришдан ва иккала давлат ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг истиқболларини белгилаб олишдан иборат эди, деди ТАСС мухбири билан суҳбатда «Ғарбий Германия экономикаси шарқий комитети»нинг ишлар мудири Х. И. Кирхнер. Симпозиум давомида СССРнинг янги беш йиллик плани Совет—Ғарбий Германия савдоси ҳажмини янада кўпайтириш учун катта имкониятлар очиб беришини қайд этилди, деди у.

ПРЕЗИДЕНТ НУТҚИ

ДАМАШҚ. Дамашқ радиосининг хабар қилишича, Сурия Араб Республикасининг президенти Х. Асад Исроил чегарасида жойлашган қўшинлар ҳузурида нутқ сўзлади. Президент жумладан, деди: Сурия Миср билан Исроилнинг Синайга доир 1975 йилги битимига ҳамон қарши чиқмоқда ҳамда фаластинликларга, сурияликларга ва умуман араб миллатига қарши қаратилган ҳамма фитналарга қарши курашмоқда.

Биз Жўлон тепаликларидаги қўшинларни қисман чекинтиришдан Фаластин иши манфаатлари йўлида бош тортдик. Фаластин иши Яқин Шарқдаги можаронинг марказий масаласидир. Биз Фаластин революциясини ҳамиша ҳимоя қилиб келдик ва доимо ҳимоя қилаверамиз.

Ҳ. Асад Ливандаги аҳволга тўхталиб бундай деди: биз бу мамлакатда тинчлик ва тартиб ўрнатиш мақсадида, шунингдек, бизнинг халқимизга ва араб миллатига қарши фитналарни барбод қилиш учун Ливанга қўшин киритган эдик. Бахтга қарши, Фаластиннинг баъзи раҳбарлари қопқонга тушиб қолдилар, аммо биз мақсадларимизнинг мусаффолиги ва одиллигига ишонган ҳолда нормал аҳволни қайта тиклаймиз.

План ишлаб чиқилди

БАЙРУТ. Ливан миллий ватанпарвар кучлари мамлакатда ўт очишни тўхтатишга интилаётганликларини айтмоқдалар. Миллий ватанпарвар кучлар раҳбарларининг бу ерда ўтказилган кенгашида уруш ҳаракатларини тўхтатишнинг конкрет плани ишлаб чиқилди. Бундан кузатилган мақсад— янги президент И. Саркиснинг можарони бартараф этиш ишидаги ғайрат-ҳаракатларини енгиллаштиришдан иборат.

Сафлар кенгайди

АДДИС-АБЕБА. Эфиопия ҳукумати мамлакатда касаба союзлари ҳаракатини феодал-монархия режими тугатилгандан кейин эълон қилинган социал иқтисодий ўзгартишлар программасини амалга оширишда кенг халқ оммасини сафарбар қилишнинг қудратли омили, деб билади.

Эфиопия раҳбарлари касаба союзлари бирлигини мустаҳкамлаш планини тузиб чиқдилар. Бу план мавжуд 800 та майда ва ўрта касаба союзларини тармоқлар бўйича 9 та йирик касаба союзларига бирлаштиришни назарда тутади. Қишлоқ хўжалиги, савдо, саноат турли тармоқлари ходимларини бирлаштириб турган 6 та шундай касаба союз ташкилотлари ҳозирнинг ўзидаёқ ишлаб турибди.

Мана шу тадбирларнинг ҳаммаси кенг меҳнаткашлар оммасининг манфаатларига мос бўлиб тушган ва ўтган йил декабрь ойида эълон қилинган янги меҳнат қонуни тўғрисидаги декретга мувофиқ ўтказилмоқда. Декретда белгилаб ўтилганидек, касаба союзларининг вазифаси — мамлакатни социал-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришга кўмаклашишдан, шунингдек, ишчиларни сиёсий жиҳатдан тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларини ҳал этишдан иборат.

МУНОЗАРА АВЖ ОЛЯПТИ

ТОКИО. Япония бош министри Т. Мики телевидение орқали гапириб, мен истеъфога чиқмоқчи эмасман ва парламентнинг қуйи палатасига ўтказиладиган сайлов вақтида кабинетга алвалгидек бошчилик қилабераман, деди.

Т. Мики яна бундай деди: мен раис бўлган либерал-демократик партиянинг октябрь ойига белгиланган съезди фақат бўлажак сайлов билан боғлиқ масалаларни ҳал этади.

Токионинг сиёсий доираларида айтишларича, Т. Микига қарши чиқаётган кучлар, жумладан, бош министрнинг ўринбосари Т. Фукуда съезддан фойдаланиб, либерал-демократик партия раҳбарларини ўзгартириш ва аввало бош министрнинг ўзини ағдариб ташлаш мақсадини кўзламоқдалар.

МУҲИМ ВАЗИФА

ЛУАНДА. Ангола Халқ Республикасининг президенти Агостиньо Нето билан Конго Халқ Республикасининг президенти Мариан Нгуаби бу ерда имзолаган қўшма ахборотда айтиладики, эски ва янги мустамлакачиликни, ирқчиликни ва халқларни эксплуатация қилишни узил-кесил тугатиш — озодлик учун курашаётган Африка халқларининг энг муҳим вазифасидир. Ангола пойтахтида 22 сентябрдан 24 сентябргача ўтказилган музокаралар давомида улар турли халқаро проблемаларни, жумладан Африка жанубидаги аҳволни муҳокама қилдилар.

(ТАСС).

ХАЛҚ МАНФААТИ ЙЎЛИДА

НЬЮ-ЙОРК. Совет Иттифоқи билан Қўшма Штатлар ўртасида кескинликни юмшатиш, ҳамкорликни ривожлантириш сиёсатини Америка жамоатчилигининг кенг табақалари, савдо-саноат ва илмий доираларига мансуб тобора кўпроқ кишилар ёқлаб чиқмоқда.

СССР билан АҚШ ўртасида соғлиқни сақлаш ходимларини ўзаро бир-бирларига юбориш кенгашининг амалий фаолияти медицина соҳасида Совет—Америка ҳамкорлигини янада ривожлантиришга ёрдам бермоқда.

Яқинда кенгаш медицинанинг тез ёрдам хизматини ташкил этилиши, реанимация, онкология соҳаларида Совет Иттифоқи орттирган тажрибаларни ўрганиш мақсадида бир группа врачларни Совет Иттифоқига юбориш тўғрисида қарор қабул қилди. Кенгаш мутахассислари Совет Иттифоқи шу соҳаларда айниқса катта ютуқларга эришиб, бошқа мамлакатлардан ўзиб кетди, деган якдил бир фикрга келдилар.

Кенгаш совет врачларини Америка медицина муассасаларининг иши билан таништириш учун Қўшма Штатларга таклиф этиш ниятидадир.

Шу йили ёз ойларида Англиянинг баъзи районларида рўй берган қаттиқ қурғоқчиликдан сўнг ёғингарчиликлар бошланди. Устма-уст ёғиб турган жала натижасида Стокеслея кўчалари сув билан тўлиб тошди.

СУРАТДА: Стокеслея кўчаларидан бирида.

АН—ТАСС телефотоси

САЛМОҚЛИ ҲИССА

Тошкент ишлаб чиқариш бирлашмаси 2-тикувчилик фабрикасининг бирданига 25 хил маҳсулоти Сифат белгисига сазовор бўлди. Хотин-қизлар кўйлаги тикиб чиқарувчи корхонанинг ҳар еттита моделидан биттаси Сифат белгисини олди. Тикувчилар ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, ходимларнинг ижодий изланишлари натижасида шу муваффақиятга эришдилар. Корхона маҳсулотларининг учдан икки ҳиссаси янги хил маҳсулотдир.

ЙИЛЛИК ПЛАН—МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

ТАШАББУСГА ҚЎШИЛИБ

ШАҲРИМИЗНИНГ Шимоли-Шарқ массивида бунёдкорлик намуналарини кўрсатаётган «Главташкентстрой»нинг «Жилстрой» трестига қарашли «Мосстрой» қурилиш бошқармаси азаматлари «Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» чақириғига ҳозиржавоблик билан қўшилдилар.

Шу кунларда бу ерда қурилиш ишлари авжида. Бир йўла бешта уй кўкка бўй чўзяпти. Бир ёқда монтажчилар йирик панеллардан уй деворларини тиклаётган бўлишса, иккинчи томонда пардозловчилар бино ичкарисига сайқал беришяпти. Учинчи томонда эса сўнгги пардоздан чиққан тайёр уй ўз эгаларини, ҳовли тўйларини кутяпти...

Қурилиш майдонида бошқармага қарашли 12 бригада ўзаро мусобақалашиб меҳнат қилмоқда. Меҳнат беллашувида Е. Манина ва Я. Симкин бошлиқ пардозловчи бригадалар пешқадамликни қўлдан бермаётир. Яков Симикин етакчилик қилаётган бригада сайқалчилари 10 кунлик маррани 5—6 кунда эгаллашга аҳд қилишган.

Бригада аъзолари ўз бригадирлари билан ҳақли равишда фахрланадилар. Яков Андреевич 33 йилдан буён қурилишларда тер тўкади. Ўз ишининг миридан-сиригача билади. У ҳозир турли қурилишларда ишлаётган ўнлаб шогирдларнинг устози. Уларнинг аксарияти устоз бригадасида меҳнат қилмоқда. Бугунги кунда кунлик нормаларини 1,5 —2 ҳисса қилиб адо этаётган Петр Вдовин, Иброҳим Имомов ва бошқа кўплаб ёшлар шулар жумласидандир. Айни дамларда келгуси йил ҳисобига меҳнат қилаётган бу ажойиб коллективни ҳақли равишда интернационал оила деса бўлади. Негаки, бригададаги 19 ишчи 18 миллат вакилларидан иборатдир. Уларнинг ҳаммасини Яков Андреевич илғорлик сари, шонли ишчи номини шарафлаш ишига йўналтирмоқда.

Бригада муваффақиятларининг яна бир омили ўзаро мусобақанинг кенг ёйилишидадир. Йил бошида тузилган шартномага мувофиқ коллектив «Марказ —26» квартали комплекс қурилишларида ишлаётган Анвар Бекиров бригадаси билан беллашиб келмоқда. Симикинчилар рақибларидан аллақачон 2 ой ўзиб кетдилар. Шунингдек, ишчилар ва звенолараро ташкил этилган мусобақа ҳам яхши самара беряпти.

— Меҳнат унумдорлигини яна 30—40 процентга ошириш имкониятимиз бор. Аммо, баъзан зарур қурилиш материаллари вақтида етказиб берилмайди. Натижада, ишчиларимизнинг қимматли вақтлари беҳуда ўта бошлайди. Шундай пайтда йигитларимизнинг жиғибийрон бўлишларини кўрсангиз эди, — деди суҳбатда Яков Андреевич. — Бугунги кунга келиб план асосий марра бўлмай қолди. Ахир одамлар 1979 —80 йиллар ҳисобига ишлашяпти.

Дарҳақиқат, зарбдор вахтада туриб ишлаётган бригада азаматларининг азму қарори ибратга лойиқ.

М. БЕКМУРОДОВ.

„Менинг қўшиғим“

Ўрол оға ижодхонаси — қутлуғ даргоҳ. Унинг остонасини кўришга орзумандлар кўп. Шулар қатори мен ҳам бир неча бор улуғ рассом суҳбатига муяссар бўлгандим. Одатда ҳар бир учрашув мароқли санъат мажлисига айланар, қизғин баҳс, мусоҳабаларда улуғ мусаввирнинг ҳаётий ва бадиий умумлашмалар билан тўлиқ теран фикр ва мулоҳазаларидан мириқиб баҳраманд бўлардик. Ҳар бир суҳбат биз учун тасвирий санъат оламидаги ноёб ва нодир, нафис ва беқиёс бадиаларни ошкор этарди.

Ўша гал ҳам кўпчилик бўлиб борган эдик. Катта байрам арафаси эди. Совет халқи СССРнинг ярим асрлик тўйи тараддудида, ҳар ким ўз меҳнат, ижод тўёнасини тайёрламоқда. Анъанага кўра рассомлар юбилей тантанасига бағишлаб Москвада энг яхши тасвирий санъат асарларининг улкан мажмуасини намойиш этишга мўлжаллашган. СССР Маданият министрлиги ва СССР Рассомлар союзлари биргаликда таъсис этган кўргазма комитети вакиллари Тошкентга ўзбек рассомларининг дилбар асарларини танлаб олиш учун келдилар. Бир гуруҳ рассом ва санъатшунослар устоз устахонасига йиғилишдик.

Ўрол оға мазкур йиғинни расмий визит эмас, балки дўстлар ташрифи деб талқин этишни илтимос этди. У ўз асарларини бўлажак кўргазмага эмас, балки дўстлар ҳукмига ошкор этаётганини изҳор қилди.

Шунда бир неча янги асарни кўрдик.

Она диёримизнинг қайтарилмас, дилбар манзараларини кўриб, завқ-шавқ билан ўз таассуротларимизни билдирдик.

Ниҳоят орага жимлик чўкди. Устоз қайси асарни кўргазмага тавсия этишини кутардик. Ҳаммаси ҳам бир-биридан ноёб...

— Булар юрак қўри!— деди кимдир оҳиста.

— Йўқ, аланга! Ҳамма нурлар камалаги шундан.

Оға шошмасди. У ниманидир кутгандек кўринар ёки бирор сўз айтмоқчи, лекин табиий камтаринлик уни тергаб турибди.

— Энди, тўёнани кўрсатсаммикан, — сўз бошлади ниманиброқ.

Ҳаммамиз ҳайрон қолдик. Ахир асарларни кўрдик-ку? Устахона тўридаги парда секин-аста кўтарилди. Ортидан катта картина пайдо бўлди. Бу ҳаммамиз учун кутилмаган тасодиф эди.

Тасвирнинг сеҳрини сўз билан ифода этиш қийин. Рўпарада улуғвор манзара турарди. Тантанавор табиат. Осмон билан туташ тоғлар. Кўмкўк либосга бурканган беҳад кенгликлар...

Бу асарнинг таърифи ҳақида ҳар қанча айтса ҳам оз. Уни Москвага юбориш сўзсиз аниқ эди.

Кичик бир расмият. Ҳужжатда асарнинг номини кўрсатиш керак. Устоз асар номини ўзингиз топармиканси, деб ишора этди.

— «Она юрт».

— «Табиат тантанаси».

— «Авжи ёз».

Яна бир қанча номлар айтилди. Лекин тасдиқ ишораси бўлмади.

Ниҳоят, устознинг ўзлари муаммони ҳал этдилар.

— «Менинг қўшиғим».

Дарвоқе, устознинг энг тансиқ асари шу десак хато бўлмайди.

Тақдир экан, устознинг охирги йирик асари ҳам шу эканлигини ўша вақт билмаган эканмиз.

Пўлат ЗОҲИДОВ.



МУЗЕЙ ЯНГИЛИКЛАРИ

Экспозиция очилди

Ўзбекистон ССР Давлат санъати музейида Республика тасвирий санъат усталари ижодига бағишланган алоҳида экспозиция очилди.

Залларга кекса мўйқалам соҳиблари Л. Бурэ, С. Казаков, С. Юдин, О. Татевосян, Уста Мўмин, В. Волков, И. Курзин, Н. Қорахон ва бошқаларнинг ишлари қўйилган. Булар Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва бошқа шаҳарлар таассуротлари асосида яратилган асарлардир. Рассом Леонид Бурэнинг «Регистон майдонидаги бозор», «Бибихоним», Оганес Татевосянинг «Самарқанд» деб аталмиш кўп серияли асарларидан намуналар, С. Казаковнинг «Тошкентнинг 1 Май кўчаси», «Ўзбек ҳовлиси», Уста Мўминнинг «Насриддин афанди бозорда», И. Курэннинг «Колхозчилар рақси», В. Волковнинг «Пахта терими» каби асарлари томошабинларда зўр қизиқиш уйготаётир.

Студентлар ҳузурида

Санъат музейида Тошкент савдо техникумининг бир группа студентлари Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Самиг Абдуллаев билан учрашдилар.

Қаҳрамон-рассом махсус лекциялар залида ўзи яратган юздан ортиқ асарларидан олинган суратларни рангли тасвирларда, диапозитив ёрдамида кўрсатиб, қизиқарли суҳбат ўтказди. Шунингдек, ёшлар илтимосига кўра Улуғ Ватан уруши хотираларидан ҳам гапириб, учрашув ниҳоясида республика тасвирий санъат бўлимига қўйилган айрим асарларининг яратилиши ҳақида маълумотлар берди.

Санъатга бағишланган

Музей томошабинлари лекция эшитиш билан бир қаторда дам олиш кунлари санъатга бағишланган янги фильмлар ҳам кўришаётир. Шу кунларда кўрсатилаётган фильмлардан «Рус чиннисозлиги» ва «Қирғизистон санъати» деб аталмиш ҳужжатли совет фильмлари фикримиз далилидир.

«Рус чиннисозлиги» фильмида 1840 йилги рус чинни буюмлари, уларнинг ишлаб чиқаришдаги оғир аҳволи ва шу кунги техника воситасида сон-саноқсиз нафис чинни идишларни тайёрлаш рангли тасвирларда ҳаётий акс эттирилган. «Қирғизистон санъати» фильмида эса, қирғиз халқининг амалий санъати турлари намойиш этилади.

М. АҲМЕДОВ.

Бизнинг интервью

КАТТА РЕЖАЛАР

Бепоён мамлакатимизнинг кўпгина корхона, завод ва фабрикаларида, саноат даргоҳларида Октябрнинг шонли 60 йиллигига муносиб совға ҳозирлаш ишлари қизғин тус олмоқда. Шу муносабат билан яқинда мухбиримиз Муқимий номидаги давлат музиқали театрида бўлиб, театрнинг бош режиссёри, СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти ва республика Ҳамза мукофоти лауреати Раззоқ ҲАМРОЕВга бир неча саволлар билан мурожаат қилди.

— Раззоқ Ҳамроевич, ўзбек театр санъатининг ижод йўли ҳақида икки оғиз гапириб берсангиз.

— Улуғ Октябрь социалистик революцияси театр санъати тараққиёти учун кўп нарсалар берди. Эсимда, 1931 йилнинг 15 июни эди. Наманганда 18 та муаллимдан иборат труппа туздик, қишлоқма-қишлоқ, шаҳарма-шаҳар кезиб, спектакллар қўйдик. Ўн саккиз муаллимдан иборат труппа Алишер Навоий номидаги Наманган область музикали драма ва комедия театрига асос бўлди.

Қоланверса, халқ орасига юришдан фаолият бошлаган ўша санъаткорлар орасидан СССР халқ артистлари Аброр Ҳидоятов, Шукур Бурҳонов, Сора Эшонтўраева, Тамарахоним, Ҳалима Носирова, Олим Хўжаев каби қудратли истеъдод эгалари етишиб чиқди. Ўзбек санъати, ўзбек театри шуҳратини жаҳонга ёйиб юборди.

— Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги арафасида қандай асарларни саҳнага қўймоқчисизлар? Революциянинг шонли 60 йиллигига Сиз ишлаётган театр коллективи қандай ҳозирлик кўрмоқда?

— Шонли байрам арафасида театримиз коллективи 38-мавсумини очишга муяссар бўлганлиги қувончлидир. Шу кунларда биз шоир ва дарматург Жўманиёз Жабборовнинг «Йиллар ўтиб» асарини саҳнага қўйиш олдидамиз. Бу асар ўз тарихига эга. Аввалги йилларда театримиз коллективи қўйган «Ўжарлар» комедияси кўпчилик томошабинларга манзур бўлган эди. Асарда, асосан совет қурилишида меҳнат қилаётган шўх-шаддот ёшларнинг қувноқ ҳаёти ҳикоя қилинади. «Йиллар ўтиб» мантиқан ана шу асарнинг давоми бўлиб, унда ўша ёшларнинг кейинги фаровон ҳаётлари қаламга олинган. Умуман, бу асар совет кишисининг истиқбол йўлидаги курашини куйлайди. Улуғ Октябрь байрами шарафига яқинда Ҳайитмат Расулнинг 2 парда, 4 кўринишдан иборат «Муқаддас диёр» асарини саҳнага қўйдик. Замирида Ватанга бўлган чексиз муҳаббат туйғуси ётган бу асар билан биз саҳна орқали ёшларни ватанпарвар, халқпарвар руҳда тарбиялашни олдимизга асосий мақсад қилиб қўйган эдик.

Келаси йил шоир ва драматург Шуҳратнинг «Она қизим» комедиясини саҳнага қўймоқчимиз. Асар она-Ватанга чексиз муҳаббат руҳи билан суғорилган.

Метро қурувчилари ҳаётидан ҳикоя қилувчи «Олтин камар» асари ҳам томошабинлар эътиборига юбилей йили тортиқ этилади. Унинг муаллифи — шоир Тўлқин.

Айём шарафига атаган саҳна асарларимиздан яна бири, таниқли шоир ва драматург, республика Ҳамза мукофотининг лауреати Ҳамид Ғуломнинг «Машъал» романи асосида тайёрланаётган драматик асардир.

Ҳа, режаларимиз улуғ, ниятимиз улкан. Аммо биз учун энг муҳими — бу мўқаддас олам бағрида — асримизнинг сиёсий ва поэтик минбари саналган театр саҳнасида томошабиннинг дид ва талабига жавоб берадиган дилбар асарлар қўйиш, замон билан, давр тараққиёти билан ҳамнафас бўлишдир.

Суҳбатни

Ғ. ҲОТАМОВ олиб борди.

КИТОБ ЖАВОНИ

ЙИЛЛАР ШАМОЛИ

Китобхонлар Омон Мухторовни шоир сифатида танийдилар. Унинг лирик шеърлари китобхонлар ўртасида илиқ кутиб олинди. Кейинги йилларда О. Мухторов проза жанрида ҳам ўз кучини синаб кўрди.

«Йиллар шамоли» романи О. Мухторовнинг йирик проза жанридаги биринчи машқидир. Романда бугунги Бухоро, ундаги замондошларимизнинг ўзаро муносабатлари, қишлоқ ҳаётининг баъзи муаммолари тасвир этилади.

НАЖОТ

Прем Чанд ҳинд реалистик адабиётининг асосчиларидан биридир. Ёзувчининг кўпгина асарлари фақат Ҳиндистонда эмас, бошқа мамлакатларда, жумладан, Совет Иттифоқида ҳам машҳур. Ёзувчи ўзининг бир қанча роман ва киссаларида ҳинд хотин-қизларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётини акс эттирган. Мазкур романда ҳам ҳинд аёлининг ғоят ачинарли ҳаёти ишонарли тасвирланади. Капиталистик тузумнинг иллатлари ва бу тузумда инсоннинг инсон томонидан аёвсизлик билан хўрланиши юксак бадиий маҳорат билан кўрсатилади. Романни ҳиндий тилидан Амир Файзуллаев таржима қилган.

Талант ва ижод фалсафаси

Илҳом деганлари нима? Нима учун ижодкорлар ҳақида гапирганда «илҳом парпси», «илҳом дақиқалари» деган сўзларни ишлатишади? Ёзувчи ўз асарини ёзаётганида нимага суянади? Бадиий асар яратиш машаққати қандай? Санъаткор ўзи яратган образларнинг асосини қаердан топади? Ҳаётий материал тузиш деганимиз нима? Филология фанлари кандидати Маҳкам Маҳмудов «Талант ва ижод фалсафаси» китобида ана шу саволларга жавоб беришга ҳаракат қилади. Китобга муаллифнинг ўзбек маданияти тарихи, кино, театр ва тасвирий санъатга оид танқидий очерк ва мақолалари ҳам киритилган.

Бу тўпламлар Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган.

ОЛАМДА БОР БИР ШАҲАР

ЭСОН РАҲИМОВ.

▲ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ УЧУН

Оламда бор бир шаҳар,
Пўлат белбоғ белда.
Номи Тошкент—нур
шаҳар,
Ўзбекистон ерида.
Шу гул шаҳар мард элни
Синамоқ-чун табиат
Силкитиб дев қоматин,
Йўллаб кўрди кўп офат.
Зилзиласи ҳамладор,
Тоғни тоққа отгудай.
Шафқат билмайин
зиҳор,
Ҳалқумига тортгудай!..
Қолмай аммо ёш, қари,
Бирдан турди оёққа.
Ботир лашкардай бари,
Нур шаҳрин тикламоққа!
— «Ҳашарга!» деб
келишди,
Қон-қардошлар карвони.
Тез етай деб елишди,
Қўлда дўстлик алвони!
Кўзин тикди бутун ер,
Меҳридан гул узатиб.
Ҳар жафокаш— аёл, эр,
Тан берди шод кузатиб.
Руслар тиклади сарой,
Жимжимадор нақш солиб
Шоҳона ҳар турар жой,
Боқар ҳамма завқ олиб.
Украинлар солган уй,
Устун бўлар осмонга!
Белоруслар солган уй,
Шуъла сочар ҳар ёнга!
Гуржи, Арман боғ қилди,
Гули ўзидай хушрўй.
Тожик дилни чоғ қилди,
Уйимизга тўлди куй.
Мактаб қуриб қарашди,
Болгар қардошлар
дилдан.
Шаҳримизга ярашди,
Доғни тушмайди тилдан!
Келди қозоқ, қирғиз ҳам,
Сахий карвонин бошлаб.
Яна қанча дўстлар жам,
Дея:
— Қўймаймиз ташлаб!..
Ҳа, аломат, аломат,
Улар қурган ҳар бир уй.
Қурувчиси шер қомат,
Яхши ният, яхши ўй!
Дўстлар билан кашф
этдик,
Музей— шаҳар оламда.
Ҳар қўйган тош
ҳайкалдек,
Завқ ортдирар одамда!
Шундай кўтарди қаддин,
Садоқатли ой шаҳар!
Кўз-кўз қилиб омадин,
Қучар янада зафар!..
Оламда бор бир шаҳар,
Пўлат белбоғ белида.
Номи Тошкент —нур
шаҳар,
Ўзбекистон ерида!..

Биринчи ойлик

Уйимизда тўй гўё,
Севинчимиз бир дунё!
Отам қутлар акамни,
Онам қутлар акамни,
Чўли-чўли ўпади укам,
Шошиб қучаман мен ҳам.
Акам «10»ни битириб,
Пахта заводга кириб,
Шогирд тушди токарга,
Ҳунарлар ўрганарга.
Қўли обдан келишиб,
Ишга чаққон киришиб,
Қилди уста айтганин,
Билди билмаганларин.
Мана, биринчи ойлик,
Меҳнат келтирган бойлик!
Акам ўзида йўқ шод,
Гўё ёзганди қанот!
Совга улашар шошиб,
Завқдан юраги тошиб.
Менга эртак китоблар,
Укамга ўйинчоқлар.
Бувимизга ширмой нон,
Хонтахтага дастурхон.
Отамлар ҳам совғали,
Онамлар ҳам совғали—
Бўлишиб, шод боқишар,
Елкасига қоқишар:
— Балли ҳимматларингга,
Балли ҳурматларингга!!..

Тар-тар минган болалар!

(Глушителлари олиб ташланган ва шовқини оламни бошга кўтарадиган мотовелосипедлар минган болаларни кўриб).

Тар-тар минган болалар,
Сизга бор арз, нолалар.
Тар-тарлардан
қулоқлар —
Кетмасин дарз болалар.
Боқмай на ўнгга, сўлга,
Ўзни отасиз йўлга.
Ҳамма безор бўлмасин,
Ўзни олинглар қўлга!
Бефарқ кезиб ҳар ёқни,
Синдирманг қўл, оёқни.
Нега керак ёшликдан—
Тутмоқ қўлтиқтаёқни?!
Дейманг:
Майли учингиз,
Еру-кўкни қучингиз.
Ошманг аммо меъёрдан,
Ўзни асраш бурчингиз.
Тар-тар минган болалар,
Сизга бор арз, нолалар.
Тар-тарлардан қулоқлар
Кетмасин дарз болалар...

САЛОМ, МЕН БУРАТИНО!

Эртакдаги хушчақчақ қаҳрамон Буратино кўпгина кичкинтойларнинг қадрдон дўсти бўлиб қолади. Суюкли мультфильмларнинг персонажлари ҳам Буратино билан бирга болалар ҳузурига меҳмон бўлиб келади: саховатли тимсоҳ Гена, доим иши пачава бўри шулар жумласидандир. «Ташигрушка» фабрикаси мана шу ўйинчоқларни ясаб чиқара бошлади. Полиэтилендан ясалиб, ранг-баранг қилиб бўялган бу ўйинчоқлар кичкинтойларни қувонтиради.

Шу йил фабрика 7 миллион сўмлик «қувонтирувчи» маҳсулотлар ишлаб чиқаради.

[ЎзТАГ].

Чилонзор маданият уйи қошида кўпгина тўгараклар ишлаб турибди.

СУРАТДА: ашула ва рақс ансамбли тўгарагининг иштирокчилари коллектив раҳбари Н. Азимжонова бошчилигида «Тантана» рақсини ўрганишмоқда.

Р. Альбеков фотоси.

МАДАНИЯТ ЯНГИЛИГИ

«РАДУГА» РЕСПУБЛИКАМИЗДА

Қардош Белоруссия ССР касаба союзлар Маданият Саройининг «Радуга» халқ рақс ансамбли республикамиз бўйлаб гастроль сафарини бошлади.

Куни кеча «Радуга»чилар тўқимачилик комбинати ишчи-хизматчиларининг азиз меҳмони бўлдилар. Учрашув охирида қардош белорус дўстларимиз ўзларининг дилрабо куй ва қўшиқлари ҳамда шўх рақслари билан тўқимачиларнинг олқишига сазовор бўлдилар.

Шунингдек, ансамбль коллективи шаҳримизнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилди.

Бугун эса «Радуга» ансамбли ўз гастролини Қарши чўлқуварлари ҳузурида давом эттирмоқда.

Уильям ШЕКСПИР

МАКБЕТ

Шоир ЖАМОЛ КАМОЛ ШЕКСПИРнинг машҳур «МАКБЕТ» трагедиясини ўзбек тилига таржима қилди. Қуйида ана шу асардан бир саҳнани эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Учинчи парда

4-саҳна

Саройда тахт жойлашган хона. Зиёфат дастурхони ёзилган стол. Макбет, Леди Макбет, Росс, Ленокс, лордлар, мулозимлар киришади.

МАКБЕТ
Хўш, марҳабо, ўтирсинлар. Бизга
барчангиз
Баб-баравар эъзозлисиз.

ЛОРДЛАР
Ташаккур, шоҳим.

МАКБЕТ
Мен, камтарин уй эгаси, ўртароқ жойдан
Ўлтирайки, ўрним бўлсин ҳаммага яқин.
Хоним-бека қолиб бироқ фахрий курсида,
Бизга нутқи-навозишин ирод айласин.

ЛЕДИ МАКБЕТ
Тилагимки, меҳмонларга лутфий каломни
Давлатпаноҳ мен учун ҳам ўзи сўзласин.
Эшикда биринчи қотил кўринади.

МАКБЕТ
Дастурхоннинг атрофида ўлтириб улар
Жоним, сени чин юракдан олқишлайдилар.
Мен— ўртада. Қани шундоқ айланасига
Кўтарайлик. Хурсанд бўлиб сиқоринг,
қани!

(Эшикка яқинлашиб)
Юзларинг қон.

ҚОТИЛ
Меникимас — Банконинг қони.

МАКБЕТ
Менга ёқар: унда эмас, сенда бўлгани.
Хўш?

ҚОТИЛ
Подшоҳим, тириклайин сўйдим мен уни.

МАКБЕТ
Сен чапани қассобдирсан, лекин кам
эмас —
Чапдастликда Флиенсни сўйган кимса ҳам.
Беқиёссан, гар бунн ҳам эплаган бўлсанг.

ҚОТИЛ
Давлатпаноҳ, Флиенс қочди, улгуролмадик.

МАКБЕТ
(четга)
Мен бетобман яна, ҳозир соғ эдим зотан.
Мармар каби яхлит эдим, қоядек маҳкам,
Ҳаво каби енгил эдим, энди бўлса-чи,
Разил гумон, қўрқувларга бандиман яна,
Яна абгор... Банко чиндан ўлдирилдими?
Ёлғонмасми?

ҚОТИЛ
Ёлғон эмас, чин, давлатпаноҳ.
У ҳандақда ётар. Роса йигирма яра,
Йигирмата жароҳат бор бошида худди,
Йигирмамас, биттаси ҳам етиб ортарди—
Жон олмоққа.

МАКБЕТ
Хўп, ташаккур шунисига ҳам.
(четга)
Илон ўлди, илонвачча қочиб қутулди,
Вақти билан у ҳам заҳар йигмоғи тайин.
Гарчи ҳозир безиёндир, тиши чиқмаган.
— Бор, эртага гаплашамиз.

Қотил кетади.

ЛЕДИ МАКБЕТ
Менинг подшоҳим,
Меҳмонларни унутдингиз, сизнинг зиёфат
Ўхшаб борар тўлови нақд таомхўрликка.
Ахир қорин тўйдиришнинг маврудн бошқа.
Меҳмонда-чи, емакдан ҳам хушчақчақлик
соз.
Усиз тамом чўкиб қолар дастурхонимиз.

МАКБЕТ
Яхши танбиҳ!
(меҳмонларга)
Кўтарингиз, қани, ёронлар,
Соғлиқ учун, хурсандчилик учун,
сиқоринг!

ЛЕНОКС
Ўтирмоққа, шоҳим, рижо айламайсизми.
Банконинг арвоҳи кириб, Макбетнинг ўрнига ўлтиради.

МАКБЕТ
Зиёфатга агар Банко кечикмасайди,
Жам бўларди бунда буткул юрт чечаклари.
Ўйлайманки, бонс — унинг бепарволиги.
Бир кор-ҳол эмас.

РОСС
Берган сўзинда турмай,
Ҳа, яхши иш қилмади у. Шоҳим, ўлтиринг,
Бизни сийлаб, даврамизни чароғон қилинг.

МАКБЕТ
Менга ўрин йўқку.

ЛЕНОКС
Нечук, шоҳим! Бу ер-чи?

МАКБЕТ
Қани?

ЛЕНОКС
Мана, манави жой. Не бўлди, шоҳим?

МАКБЕТ
Хўш, ким қилди бундоқ?

ЛОРДЛАР
Шоҳим, нималар дейсиз?

МАКБЕТ
Йўқ, беҳуда бари. Мени фош қилолмайсан,
Қонга ботган сочларингни силкийверма
кўп.

РОСС
Лордлар, энди тарқалайлик: шоҳимиз
бетоб.

ЛЕДИ МАКБЕТ
Йўқ, йўқ, дўстлар, қўзголмангиз. Унга
бу одат
Болаликдан мерос қолган. Қани, ўлтиринг,
Тутқаноги узоқ давом этмас, ҳа демай,
Ўтиб кетар, у ўзига келар мутлақо.
Асабига тегар бироқ сизнинг эътибор.
Ҳа, бемалол базм қилинг.
(Макбетга)
Сен—эркакмисан?

МАКБЕТ
Ҳа, қўрқоқмас, ҳатто, иблис
бетламайтирган
Аросатга кирик қоқмай қараб турибман.

ЛЕДИ МАКБЕТ
Сафсата бу! Қўрқув сени шу қўйга солмиш,
Кўзларингга суратларни кўрсатмиш
ўша—
Худди Дункан сари бошлаб борган
ханжардай.
Қиш кунлари ўлтиришиб ўчоқ бошида,
Кампирларнинг эртагини тинглаб аёллар.
Туси ўчиб, даҳшатларни тасаввур айлаб,
Қалтирашса — ярашади, бироқ— сенгамас.
Ўял! Бас қил қийшанглашни! Ахир
шунчалар
Қўрқарканми киши шундоқ бўм-бўш
курсидан!

МАКБЕТ
Йўқ, сен қара! Яхшилаб боқ! Сен, нима
дейсан?—
Бас, бошингни силкийсанми, гапир,
тилга кир.
Қабрларки мурдаларни озод қўяркан,
Бизга сокин мозор бўлса маъқул эмасми—
Калхатларнинг жиғилдони.
Банконинг арвоҳи ғойиб бўлади.

ЛЕДИ МАКБЕТ
Жиннн бўлибсан!

МАКБЕТ
Ҳозиргина шунда эди!

ЛЕДИ МАКБЕТ
Ўлт эмасми!

МАКБЕТ
Қон тўкишга ҳаттоки у қонун билмаган
Ёввойи ва ола-тасир қадим дунёда.
Қотилликлар бўлган яна ундан кейин ҳам
Ўта қўрқинч, бир-биридан мудҳиш, зиёда.
Калласини мажақлашган—тамом-вассалом,
Одам ўлган — бошқа гап йўқ. Энди
бўлса-чи,
Манглайида йигирмата яраси билан
Мурда бизни қувмоқ бўлиб, турар
тобутдан.
Сенга айтсам, бу даҳшатдир қотилликдан
ҳам.

ЛЕДИ МАКБЕТ
Менинг шоҳим, кутиб қолди сизни
меҳмонлар.

МАКБЕТ
Узр. Дўстлар, кетиб қопман ўзимдан пича.
Лекин сира ажабланманг бу одатимга.
Хавфли эмас. Ўйдагилар ўрганиб қолган.
Қани, қуйинг, токи ҳали ўлтирмай туриб,
Ичай сизнинг соглигингиз, яна дўстимиз
Банконинг ҳам соглигига. Гарчи кечикиб,
Бизга жиндак ранжи-озор етказди ўша.
Сиз учун ва Банко учун!
Банконинг арвоҳи қайтиб келади.

ЛОРДЛАР
Саломат бўлинг!

МАКБЕТ
Йўқол! Даф бўл! Қайтиб ўша қаро ерга
кир!
Қонинг қотган, илигинг пуч суякларинг,
Менга кирик қоқмай боққан кўзларинг—
басир.

ЛЕДИ МАКБЕТ
Афандилар, ўтинаман, кўнайлик энди,
Шоҳимизнинг тутқаноги гарчи безиён,
Гарчи бизга одатийдир, лекин бари бир
Шундоқ ширин ўлтиришни бузгани аёп.

Жамол КАМОЛ таржимаси.

Газетага савол йўллабсиз

Ток қирқиш

КУЗ ЮМУШЛАРИ

Ҳурматли редакция!

Яхши ният билан кўчат эк, дейдилар. Шунга амал қилиб участкамиз ҳовлисига бошқа мевали дарахтлар қатори хиллаб уч-тўрт туп ток ўтказган эдик. Улар солги бўлиб қолган эди. Бу йил яхши ҳосил берди. Мана ток қирқиш пайти ҳам келди. Газетада шу ҳақда маслаҳат берилса яхши бўларди.

Бешқайрағоч массивида истиқомат қилувчи газетхонлар — Ш. Шоумаров, А. Ҳайитбоев, Д. Рўзматовлар илтимосига мувофиқ қишлоқ хўжалик мутахассисининг хаваскор соҳибкорларга берган маслаҳатини диққатингизга ҳавола этамиз.

Маълумки, Ўзбекистоннинг ҳамма район ва зоналарида ток жуда яхши ўсади ва ҳар йили мўл ҳосил беради. Ток бошқа ўсимликларга қараганда қаламчасидан осонгина тез кўпаяди. Узум навининг кучли ёки кучсиз ўсишига қараб бир туп токдан 100—200 донагача сифатли қаламча тайёрлаш мумкин. Пишиб етилган кечки узум навларида қанд моддаси 18—22 процентни ташкил қилади. Ток тупларидаги ҳосил узиб олингандан кейин токни секин-аста қирқишга киришиш лозим. Ток тупларини қирқишни сентябрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, то ноябрь ойигача давом эттириш мумкин. Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, кеч қирқилган ток тупларидаги ҳосилли куртакларини эрта кузда тушадиган қора совуқ қаттиқ шикастлантириши мумкин. Шунинг учун ток тупларини сентябрнинг иккинчи ярмидан то 20 октябргача тамомлаб, тупроққа ёки хашакка ўраб қўйиш тавсия этилади.

Токни қирқишда аввало ток новдаларини симбағаз ва сўрилардан секин-аста ток қайчиси ёрдамида бўшатилади. Бунда бағазлардаги бойлағичлар ток новдаларидан ўсиб чиққан» жингалаклар қирқилади, сўнг новдаларни симбағаз сўрилардан бўшатилади. Новдалар билан бир вақтда зангларлардаги бойлагичлар ҳам қирқиб бўшатилади.

Ҳеч вақт ток новдаларини богич ва жингалакларини қирқмасдан туриб, куч ишлатиб, симбағаз ва сўрилардан тортиб олиш керак эмас. Шундай қилганда яхши пишиб етилган ҳосилли новдалар танаси шилинади, айрим пайтлари қаттиқ эзилиб синиши ҳам мумкин. Кўпчилик ҳолларда бир йиллик новдаларда яхши шаклланиб етилган куртаклар зўрлик билан тортиш натижасида синади ёки қаттиқ шикастланади. Эзилган новдалар қишки совуққа кўпда бардош беролмайди.

Токни кесишда биринчи навбатда пишмай қолган майда ва каттароқ новдалар ток тупидан зангга тақаб кесиб олиб ташланади. Кетидан қаттиқ шикастланган новдалар ва эски занглар ҳам кўл арра ва ток қайчи ёрдамида олиб ташланади. Эски занглар ни ток кундасида етиштирилган янги ўринбосар новдалар билан алмаштирилади. Бу тўғрида тажрибали соҳибкорлар шундай фикр билдирадилар. Хўраки узум зангларини ёшартиришда 8—12 йил ичида, бинобарин узум зангларини 6—8 йил ичида бир неча йил давомида секин-аста алмаштириб, ток занглари вақти-вақти билан ёшартирилади. Ток новдаларини ва зангларини олиб ташлашда ток кундасида мутлақо тўнкача ва чўгиртак қолдирмай олиб ташланиши лозим. Бу гапни айтишдан мақсад, ортиқча, зангларни олиб ташлашда тўнкача қолдирилса, келгусида мана шу қолган уйқуда ётган куртаклардан бир неча янги новдалар ўсиб чиқиб, ток тупини ёзда ҳаддан ташқари қалинлаштириб юборади.

Тўлиқ ҳосилга кирган ток тупларининг навларига қандай шакл бериб ўстирилишига қараб, ҳар бир ток тупида белгили миқдорда новда ва куртаклар қолдирилади. Умуман токни соҳибкор ёки тажрибали киши кесиши лозим. Чунки, ток кесиш мураккаб иш бўлиб, токдан олинадиган ҳосил кўпинча токни тўғри кесишга боғлиқ бўлади. Ток симбағазларда ўстирилаётган бўлса, куртак камроқ, сўри ва катта ишкомларда эса 1,5—2 марта кўпроқ куртак қолдирилади. Масалан, Ҳусайни, Пушти, Тоифи, Қора кишмиш, Нимранг каби узум навлари симбағазда (шпалерада) ўстирилса ҳар бир нормал ўсган ток тупида 150—200 донагача кўз қолдирилади, шу узум навлари сўри ва ишкомларда бўлса 250—400 донагача кўз қолдириш мумкин. Ҳосилли новдаларда 8—12—14 тагача куртак, ўринбосар калта новдаларда 3—4 тагача кўз қолдирилади.

Ҳар 2—3 та ҳосилли новдаларга нисбатан биттадан ўринбосар новда қолдирилади. Ўринбосар новдалардаги куртаклардан ўсиб чиққан сархил новдалар келгуси йили ҳосил олиш учун узун қилиб қирқилади. Ток тупида қолдирилган новдалар мумкин қадар бир текисда жойлашган бўлиши лозим.

Қирқилиб, бўлинган токлар секин-аста кўндоқланади ва икки томонига қараб ётқизилиб, ток рудаларининг устига тупроқ ташланади Ток новдаларини ерга яхши ёпишиб туришлигини таъминлаш учун 3—4 жойидан айри қозиқлар билан ерга қоқилади.

М. СОБИРОВ,
Қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

ЭЛ ТИНЧИНИ ЎЙЛАБ

Ленин район партия комитетининг мажлислар залида район кўнгилли халқ дружиначилар штаби қошида тузилган дружиначилар тайёрлаш мактабининг биринчи машғулоти бўлиб ўтди.

Мактаб программаси икки йилга мўлжаллаган бўлиб, биринчи машғулотни Ленин район партия комитетининг иккинчи секретари Ж. М. Жонибеков очди.

Шундан сўнг, сўзга чиққан Тошкент шаҳар прокурори ўринбосари Н. Д. Петреченко «КПСС XXV съезди қарорларида социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш ҳамда жамоат тартибини сақлашда коллективларнинг роли ва вазифалари» деган мавзуда доклад қилди. Шунингдек, район ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция полковниги З. А. Алиев кўнгилли халқ дружиначиларининг фаолияти ва уларнинг кўрсатаётган самарали ёрдамлари ҳақида гапирди.

М. АЗИМОВА.

Островский номли шаҳар пионер ва ўқувчилар саройи қошида болалар ижоди доимий кўргазмаси ташкил этилган.

СУРАТДА: ўқувчилар ана шу кўргазма экспонатлари билан танишмоқдалар.

Р. Альбеков фотоси.

БИЛАСИЗМИ?

☆ Карам капалаги учаётиб, бир секундда 9 марта, ниначи 30—50, ари — 110, уй пашшаси 115—127, каллифор деган пашша — 200, чивин—500 мартагача қанот қоқади.

☆ Мутахассисларнинг тахминига қараганда Дунё океанида бор-йўғи 40 мингга яқин кит яшаяпти.

☆ Чумоли ер юзида 20 миллион йилдан буён яшаб келаётган ҳашарот ҳисобланади. Ҳозирги пайтда СССРда 30 дан ортиқ илмий тадқиқот муассасалари бу кўҳна ҳашаротни ўрганяпти.

☆ Тахминий ҳисобларга қараганда ўртача битта индаги чумоли оиласи бир кунда 30 минггача зараркунанда куртни йўқотади.

☆ Ҳашаротларнинг учиш тезлиги, ҳар хил: асал ари бир соатда 10—20 километр, тукли ари — 3—5, пашша—2, ниначи — 8, сариқ капалак—60 километр тезликда учади.

ҲАР ТЎҒРИДА

КИМ УЗОҚ ЯШАЙДИ?

Аёлларнинг эркакларга нисбатан узоқ яшаши сирини ҳозиргача фан узил-кесил ҳал қилиб берганича йўқ. Лекин аёллар билан эркаклар умри ўртасидаги тафовут аёллар фойдасига бўлиб, яқин-яқинларда бу айирма 2—3 йилни ташкил этар эди. Лекин кейинги вақтларда фарқ ошиб кетди ва «ожизалар» фойдасига 5—7 йилни ташкил этди.

Чунончи, Польшада 1931—1932 йилларда эркакларнинг ўртача умри 42,2 йилга, аёлларники эса 51,4 йилга тенг бўлган, 1960—1961 йилларга келиб эркакларнинг ўртача умри 64,8 йилга, аёлларники эса 70,5 йилга етди.

Эркаклар ва аёллар умри ўртасидаги фарқ Совет Иттифоқида ҳам яққол кўзга ташланади. Биздаги аёллар эркаклардан 8 йил ортиқ яшаркан. Англия ва Австралияда бу фарқ 5 йилга тенг.

Реклама ва эълонлар

КИНО

4 ОКТЯБРДА

Халқ романи — «МОСКВА» (18. 19.30, 21), «ҚОЗОҒИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «ДРУЖБА», «НУКУС», (тоқ соатларда), «ЧАЙКА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Ишончим комил — «ҚОЗОҒИСТОН» (тоқ соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН», «ДРУЖБА» (жуфт соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК» (кечқурун).

Халқ романи; Ҳар қандай шубҳадан ҳоли бўлган кишининг иши — САНЪАТ САРОЙИ (17.30, 20.45).

5 ОКТЯБРДА

Халқ романи — «МОСКВА» (10, 11.30, 13, 14.30, 16, 18, 19.30, 21), «ҚОЗОҒИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «ДРУЖБА», «НУКУС» (тоқ соатларда), «ЧАЙКА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ишончим комил — «ҚОЗОҒИСТОН» (тоқ соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН», «ДРУЖБА» (жуфт соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Халқ романи; Ҳар қандай шубҳадан ҳоли бўлган кишининг иши — САНЪАТ САРОЙИ (11, 14.15, 17.30, 20.45).

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими Давлат комитети

ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ НОМЛИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ТЕПЛОВОЗ-ВАГОН РЕМОНТИ ЗАВОДИ БАЗАСИДАГИ

ШАҲАР 155-ТЕМИР ЙЎЛ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1976—1977 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

узоқ манзилларга қатновчи пассажир вагонларининг проводниклари. Ўқиш муддати — 1 йил. Билим юртига 17,5 ва ундан катта ёшдаги ўсмирлар қабул қилинади. Ётоқхона берилмайди.

Электрогазпайвандчи, тепловозларнинг механик қисмларини ремонт қилиш бўйича слесарь, тепловозларнинг электр қисмларини ремонт қилиш бўйича слесарь, саноат ускуналари ремонти бўйича слесарь, вагонларни кўздан кечирувчи-ремонтчи, ҳаракатдаги составлар, (пассажир вагонлари автотормозлари) **ремонти бўйича слесарь.** Ўқиш муддати — 3 йил. 15 ва ундан катта ёшдаги 8-синф ҳажмида маълумоти бўлган ўсмирлар қабул қилинади. Ўқишга қабул қилинганлар уч маҳал бепул овқат, кийим-бош билан таъминланадилар ва ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 33 процентини оладилар. Ўқиш муддати узлуксиз меҳнат стажига қўшилади. Битирганлар мамлакатнинг исталган олий ёки махсус ўрта ўқув юртларига кириш ҳуқуқини берадиган диплом оладилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига имтиёзли равишда қабул қилинадилар.

Билим юрти битирувчилар темир йўл транспорти, ишчилари фойдаланадиган барча имкониятлар, шунингдек, Совет Иттифоқининг барча пунктига темир йўлда бепул бориш имтиёзидан фойдаланадилар.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: директор номига ёзилган ариза, автобиография, гувоҳномалар: туғилганлиги ва маълумоти тўғрисида; справкалар: ота-онасининг иш жойидан ва турар жойидан; характеристика, 8 та фотосурат.

Ҳужжатлар якшанбадан ташқари ҳар куни эрталаб соат 9.00 дан кеч соат 17.00 гача қабул қилинади.

Бизнинг адресимиз: Тошкент шаҳри, Червяков кўчаси, 12-уй, (5, 12-трамвайларнинг «Фоменко кўчаси» бекати). Телефон: 91-14-07.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими бўйича давлат комитети

2-ТОШКЕНТ ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИ БАЗАСИДАГИ

149-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1976—1977 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги мутахассисликлар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлайди:

Пойафзал юзи бичиқчилари, пойафзал юзини тайёрловчилар, пойафзални қолипга тортувчи.

Ўқиш муддати — 2 йил.

Қирқувчи, пойафзал таг қисми деталларини мустаҳкамловчилар.

Билим юртига ёши 15 ва ундан юқори бўлган, 8, 9, 10-синф маълумотидаги йигит-қизлар қабул қилинади.

Мутахассисликлар бўйича машғулотлар юксак педагогик савияда турли хил кўргазма қуролларидан фойдаланилган ҳолда олиб борилади.

Аълочи ўқувчилар фабрика маъмурияти томонидан рағбатлантирилади, уларга дам олиш уйларига, санаторийларга путёвкалар берилади.

Билим юртини битирганлар техникум ва институтларга йўлланма оладилар.

Билим юрти ҳузурида ўрта маълумот берувчи ишчи-ёшлар мактаби мавжуд. Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланади.

Билим юртига қабул қилинганлар тўла давлат таъминотида бўладилар (уларга уч маҳал овқат ва кийим-бош берилади), ишлаб чиқариш практикаси даврида меҳнат ҳақининг бир қисмини оладилар.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тавсия этишлари лозим: директор номига ариза, маълумоти ва туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, яшаш жойи, ота-онасининг иш жойидан справкалар, ўқиш жойидан характеристика, 6 та фотосурат. (3х4 см.).

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Гавхар кўчаси, 124-уй, 2-пойафзал фабрикаси, (14-автобус, ва 16-троллейбусларнинг охирги бекати) ёки Наққошлик кўчаси, 199-уй, (18-трамвайнинг охири, 103-автобуснинг «Мевазор» бекати).

ҚУЙИ ФИЗКУЛЬТУРА КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

Бунёдкор спортчилар

«Главташкентстрой»га қарашли «Таштрансспецстрой» трестининг қуйи физкультура ташкилоти 365 физкультурачини ўз сафига жипслаштирган. Трест спортчиларининг маҳоратлари йилдан-йилга ошиб бормоқда. Трест комсомол комитетининг ёрдами туфайли қурувчилар ҳақиқий спортчи бўлиб етишмоқдалар. Спортчиларнинг аксарияти ёшлар бўлиб, уларнинг кўпчилиги ишдан ажралмаган ҳолда олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқийдилар.

— Спорт менинг ҳаётимда катта аҳамият касб этди, — дейди Тошкент халқ хўжалиги институтининг кечки бўлим студенти Ибодулла Исмоилов. — Физкультура ва спорт билан шуғулланишим туфайли меҳнатда илғор, ўқишда эса аълочи бўлиб олдим.

Трест физкультура ташкилоти 3 йил мобайнида велоспорт бўйича спорт мастерлигига 1 номзод, оммавий спорт бўйича 122 нафар турли разрядли спортчи етиштирди. Спортга меҳр қўйган энг яхши спортчилардан 12 тасига жамоатчи инструктор ва тренер, 7 спортчига эса жамоатчи судья деган ном берилди.

Бугунги кунда спортнинг ўқув машғулотлари тинимсиз ва янада қизиқарлироқ олиб борилмоқда. Ўтган йили Ангрен шаҳрида бўлиб ўтган область қурувчиларининг IX спартакиадасида трест спортчилари 1-ўринни эгаллашди ва республика мусобақа финалида областимизнинг спорт шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқини қўлга киритишди. Бундан ташқари ўша йилнинг август ойи охирида Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган бунёдкорларнинг ГТО конкурси бўйича республика спартакиадасида ҳам трест спортчилари муваффақият қозондилар.

— Бухородаги мусобақада йигитларимиз юзимизни ерга қаратишмади, — дейди трест комсомол комитетининг секретари Тоҳиржон Ирисов. — У ердаги спорт курашида спортчиларимиз ўз маҳоратларини намойиш этиб, 3-ўринни олишга муваффақ бўлдилар.

Ҳа, Тоҳиржоннинг қувончи бежиз эмас, Яқинда марказий «Пахтакор» стадионида ГТО кўпкураши бўйича 3-анъанавий республика спартакиадасида трест спортчилари уста курашчи эканликларини кўрсатдилар.

Биз ўша ерга борганимизда йигитлар резина-битум йўлкалар бўйлаб 100, 800, 1000 метрли масофага югуришаётган экан. 100 метрли кроссда 37-қурилиш бошқармасининг йўлсози Қодирали Роҳаталиев 13,6 секунд натижа кўрсатиб, бу масофа бўйича ғолиб бўлди. 13,8 ва 13,9 секунд натижа кўрсатган шу қурилиш бошқармасининг вакиллари, бульдозерчи В. Ильюхин ва мастер Т. Эркабоевлар 2—3-ўринларни эгаллашди. 1000 метрга югуришда яна Қодирали Роҳаталиев 3,10 минутда финишга биринчи бўлиб етиб келди. 3,24 ва 3,26 минут натижа кўрсатган 37-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари сантехник А. Абдуллаев ва бульдозерчи В. Ильюхинлар 2—3-ўринларни эгаллашди.

Узоқликка сакраш бўйича бўлган мусобақада мастер Т. Эркабоев 5,15 метр натижа кўрсатиб, трестнинг янги рекордини ўрнатди ва ГТОнинг «олтин» нишондори бўлди. 71-қурилиш бошқармасининг геодезисти Закарьян 5,05 метр масофага сакраб иккинчи ўринни олди.

Мусобақада В. Исаев, Т. Эркабоев, Г. Тавасян, У. Исмоилов, Ш. Садриддинов каби бунёдкорлар эпчил спортчи эканликларини намойиш этишди. Спартакиадада умумкоманда ҳисоби билан 37-қурилиш бошқармаси қурувчилари 1-ўринни олдилар. 2—3-ўринларни эса 71 ва 5-қурилиш бошқармаси спортчилари эгаллашди.

А. ЖАМИЛОВ.

СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари виставкасида

ПЛАСТМАССА ПОДШИПНИК

Катталаштириб кўрсатадиган шиша воситасидагина батафсил кўрса бўладиган подшипниклар бор. Аммо, баъзи ноёб замонавий приборлар шу подшипниксиз ишлай олмайди. 6 тоннагача оғирликдаги подшипниклар эса асосан оғир машинасозликда ишлатилади.

СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари виставкасида очилган «Подшипниклар саноати — халқ хўжалигига» деган тематик виставкада шу нарсалар экспонат қилиб қўйилган.

Кейинги вақтлар бу буюмларнинг конструкцияларида пластмасса, капрон каби янги материаллар ишлатила бошлади. Хўш, буларнинг нима нафи бор? Пластмасса сепаратори, ёки содда қилиб айтганда, ҳалқаси бўлган подшипниклар ВАЗ автомобилларда ишлатилади. Золдир ёки ролик қўйиладиган шу пўлат ҳалқа ўрнига пластмасса ишлатилса подшипникдаги ишқаланиш камаяди ва шовқини ҳам пасаяди.

ВАҚТНИ АНИҚЛАЙДИ

Янги «Булат» қотишмаси қўл соати пружинаси қилиб ишлатишга аталган. У соат пружинаси ясашда илгари ишлатилган қотишмаларга нисбатан механизм юриш давоматини 2 соат оширади, шунингдек соат календари сингари қўшимча қурилма ишини яхшилайди.

«Булат» Москва соат заводларида синовдан яхши ўтди. У СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари виставкасидаги «Янги прецизион материал ва қотишмалар» залида кўрсатилмоқда.

ЖАҲОН ОКЕАНИДАН ЭНЕРГИЯ

Кўмир, нефть, торф каби қадимий энергия манбалари вақти келиб истеъфога чиқади. Уларнинг ўрнига жаҳон океани суви ишлатилади. Мутахассисларнинг фикри шундай, дейтерий билан тритий аралашмасида ишлайдиган янги термоядро реактори 1990 йилга бориб қурилиши мумкин. Океан суви таркибида бўлган дейтерий унга асосий ёқилғи бўлиб хизмат қилади. Чунки унинг запаслари битмас — туганмасдир.

(ТАСС).

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК

Тошкент осмонида ГАИ

— Винтдан четланинг. Мотор ўт олдирилсин. Учишга шайланинг.

Вертолётчиларга хос бундай сўзларни кейинги кунларда Сергели авиация бўлинмасида тез-тез эшитиш мумкин.

Мана кўз ўнгимизда авиаторлар тили билан айтганда оддийгина «Борт»—15840 номерли вертолёт турибди, аммо унинг биқинидаги кўк ҳошияли белгига ёзилган ГАИ сўзи унинг оддий вертолёт эмаслигидан далолат беради.

...Бир неча минут ўтар-ўтмас мотор гуриллади. Қудратли парраклар чириллаб айланганича «МИ-2» осмонга кўтарилди. Бир зумда ердан 100 метр баландликка кўтарилиб соатига 130 километр учиб бораётган бу «машина» ҳиёл ўтмай Тошкентнинг жануби-шарқида жойлашган айланма йўл устига етиб келди. Мана биринчи айбдор ҳам кўринди.

— Ўнинчи, ўнинчи, мен лочинман, мен лочинман. Қандай эшитяпсиз?! Қабулга ўтаман. Рация орқали учувчи билан ёнма-ён ўтирган республика Ички ишлар министрлиги ГАИ бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги С. К. Кутасевичнинг овози янграйди.

— Ўнинчи эшитади...

— Катта йўлда оқ рангли «Жигули» тезликни меъёридан оширган ҳолда кетяпти. Дарҳол огоҳлантиринг.

Яна уч-тўрт минут ўтар-ўтмас пойтахт билан боғланувчи Келес йўлида бир трактор икки йўлни ажратувчи бўлакдаги гул кўчатларни яксон қилиб борарди...

— «Бир юз эллик тўққизинчи» — ҳавода ушбу буйруқ янграйди, — айбдорга чора кўринг...

Мана яна шаҳар томон бир кузовли машина учиб келяпти. Унинг устидаги одамлар туриб олишган. Орқада эса шлёмсиз мотоциклчи юқори тезликда бормоқда. Аммо буларнинг ҳаммаси тепадан равшан кўриниб турибди. Ҳаво назоратчиларининг кўрсатмаси бўйича ана шундай кўпгина йўл ҳаракати қоидаларини бузувчиларга тегишли чора кўрилмоқда.

Давлат автоинспекциясининг янги иш усули, яъни ҳаводан назорат қилиб боришни йўл ҳаракати қоидаларини тўла-тўкис сақлашда, кўпгина бахтсиз ҳодисаларни маълум миқдорда чеклашда ва юқори унумли транспорт ҳаракатини таъминлашда катта аҳамиятга эга. Тез кунларда бу янги усул —ҳаво назорати доимий равишда кучайтирилади.

Л. ОФФЕНГЕНДЕН.



Суратда: ҳаво назорати ходимлари иш устида.

М. Татарников фотоси.

БУ— ҚИЗИҚ

БЎЙИНБОҒЛИ БЎРИ

Сиртидан оддий овчаркага ўхшаб кетадиган жонивор «ёт» дейилган команда берилиши ҳамоно уни дарҳол бажо келтиради. «Ёнимга кел» дейилиши билан эса у итоаткорона ўз соҳиби ёнига югуриб келади. Бундай қараган одам, хизмат қиладиган итни ўргатиш машқи бормоқда, деб ўйлаши мумкин. Лекин, аслида бундай эмас, — берилаётган командаларнинг ҳаммасини аниқ, ҳатто хуш кўриб бажо келтираётган жонивор — бўри боласи.

Вигала деган жойда яшовчи Лео Янд шу йил эрта баҳорида ўрмонда ўлиб ётган бўрини топиб олди. Ҳали тирик бўри боласи она пинжига сукилиб ётарди Овчи бўри боласига раҳм қилиб, уни уйига олиб келди, бўри боласини оддий итни боққандек тарбия қила бошлади. Энди бўри хўжайинига садоқатли, буюрилган нарсани яхши бажаради, қисқа вақт ичида анча нарсага ўрганиб қолди.

Бўри боласи бўйинбоғ билан сайр қилишни хуш кўради, лекин болалар билан ўйнаш унга ҳаммадан кўра кўпроқ ёқади.

(ТАСС).

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

4 ОКТЯБРЬ —ДУШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

18.15 «Асл йигитлар 19.00 Янгиликлар. 19.15 «Қувноқ ноталар». 19.30 «Социалистик мусобақа кундалиги». 20.15 В. Мешчерин раҳбарлигидаги электр-чолғу ансамблининг концерти. 20.30 «Сени кутамиз, Темур!». Бадиий фильм. («Ўзбекфильм») 22.00 «Вақт» информацион программаси. 22.30 Хоккей бўйича СССР чемпионати. МАСК — «Торпедо» (Горький). МАСК спорт саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтларида — Киноочерклар. 00.40 СССР Давлат академик симфоник оркестрининг 40 йиллигига. Концерт. 01.40 Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.25 Кўрсатувлар программаси. 18.30 «Куз кунларидан бири». Болалар учун кинофильм. **Рус тилида:** 18.45 «Орзулар қанотида». Жиззах шаҳри пионер уйи болалар вокаль-чолғу ансамблининг концерти. 19.15 «Партия планлари — халқ планлари». «Полимерлар халқ хўжалигида». 19.45 «Ахборот» информацион программаси. **Ўзбек тилида:** 20.00 Социалистик мусобақа илғорлари учун концерт. 21.00 «Ахборот» информацион программаси. 21.20 Ўн минут музика. 21.30 Адабий театр. Эжен Потье. Шоир туғилган куннинг 160 йиллигига. 22.00 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.30 «Пахтакор — мардлар майдони» (рус.). 22.45 «Ой бориб, омон қайт», Бадиий фильм. 00.05 Кўрсатувлар программаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

Тошкент кўрсатади. 19.00 Кўрсатувлар программаси. 19.05 «Мудҳиш хато». Бадиий фильм. (ўзб.). 20.40 Тошкент янгиликлари. 20.55 «Шаҳзода ва Золушка». Фильм-балет. 21.20 «Қизиқувчилар экрани». (ўзб.). 21.50 «Бир ишга икковлашиб қўл урганда». «Сергей Алаков дақиқаси». Ҳужжатли фильмлар.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 бет.

4 ОКТЯБРЬ, 1976 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, ТОШКЕНТ, ЛЕНИН ПРОСПЕКТИ, 41-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР: коммутатор — 33-02-49 дан 33-02-58 гача. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

Р—14809.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26.

ИНДЕКС 64579.

Нашр В—3201.